


Дастлабки марра забт этилди

1 МИЛЛИОН ТОННА „ОҚ ОЛТИН" ТАЙЁР!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 22 сентябрь Шанба

№ 181 (13 617). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

«Ҳосил—90»

Жумҳурият далаларида

МЕХАНИЗАТОРЛАР БИЛАН БАҲАМЖИҲАТ

— Пахта териш техникасининг ёрдамисиз пахта тайёрлаш йиллик планини вилоятда биринчилардан бўлиб икки кун ичида бажаришнинг сира иложи бўлмасди, — деб таъкидлайди «Маданият» давлат хўжалигидаги ижарачилар бригадасининг раҳбари А. Эсонов.

Дарҳақиқат, ижарачилар ҳозирнинг ўзидаёқ 80 гектар ернинг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил олдилар. Бу ҳосилни механик-ҳайдовчилар О. Бакиров, М. Раҳмонов, С. Каримов, У. Саидумаровлар териб олишди. Улар тонгдан шомгача (эндиликда механизаторлар тунда пахта термай қўйишган) 10—12 тоннадан пахта теришди.

Хўжалик айни қирқта пахта териш машинасидан самарали фойдаланиш туфайли ҳар куни йиллик режанинг беш фоизидан ошириб пахта топширмоқда.

Андижон вилояти.

СЎМ СИФАТНИ БАРҚАРОРЛАШТИРМОҚДА

«Боёвут» давлат хўжалиги — техникумининг Ўзбекистон ССЖ 40 йиллиги номли бўлимининг энг яхши механизаторлари Э. Эшонқулов, К. Садгаров, ва С. Ғаффоровлар кунига 7—8 тонна пахта термай туриб даладан чиқишмаяпти. Терим мавсуми бу ерда юқори суръатлар билан бормоқда. Ҳар куни пахтазорларга ўнта пахта териш машинаси чиқаяпти ва улар терган пахта ҳисоби кундан кунга ошмоқда.

Бу ерда илгариги пайтлардан фарқ қилиб, терим ва пахта сифатига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мавсум бошидан буён бирорта ҳам механизатор таъна-дашном эшитадиган иш қилмади. Бунинг иқтисодий масала эканлигини ҳамма яхши тушунади. Пахтакорлар сифатли пахта учун қўшимча деярли ярим миллион сўм даромад олишни мўлжаллашмоқда.

Сирдарё вилояти.



Биринчи довон... Илк қувончлар, илк шодликлар. Елкадаги юк сал енгиллашди. Ҳали қийинчиликлар ортда бўлса-да, илк ҳиссиётнинг нашъаси ўзгача. Дилбар қизларнинг юзидаги қувонч шундан. Бу икки қиз Ленинград ноҳияси Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг Мадаминжон Мамажонов бошлиқ 12-бригаданинг илғор теримчиларидан. Одинахон Тўйчиева дугонаси Умида Раҳмоновадан ортда қолишни истамайди. Биринчи довонни эгаллашда озми кўпми улар ҳам ҳисса қўшишди.

СУРАТДА: О. Тўйчиева ва У. Раҳмоновалар.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ЎЗБЕК ТИЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЭЪТИБОРНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК

Тошкентда давлат тили тўғрисидаги қонунни амалга ошириш бўйича жумҳурият комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашининг Раиси ҳамда мазкур комиссия раиси Ш. Р. Мирсаидов олиб борди.

Комиссия мажлисида жумҳурият ҳукумати ҳузурида тузилган атамашунослик қўмитасининг раиси Ғ. Абдураҳмонов қўмита фаолияти тўғрисида ахборот берди.

Мажлисда атамашунослик қўмитаси олиб бораётган муайян ижобий ишлар таъкидланди. Фаннинг турли соҳалари бўйича 12 бўлим ва 7 секция ташкил этилган. Бўлим ва секцияларнинг раҳбарлари ҳамда аъзолари жамоатчилик асосида ишлайдилар. Улар олий ўқув юртлари, илмий-текшириш институтлари, нашриётлар, рўзнома ва ойномаларнинг муҳарририятлари билан алоқа ўрнатган. 1992—1995 йилларда атама луғатларини чоп этиш режалари тузиб чиқилди, баъзи маъмурий-бошқарув идораларининг атамалари ўзбек тилига таржима қилиб берилди. Бундан ташқари, матбуот, радио ва телевидениеда қўлланилаётган турли атамалар тўпланди ва уларнинг бир қисми муҳокамадан ўтказилди.

Бироқ, сўзга чиққан олимлар, адиблар. журналистлар ва бошқа мутахассислар ўзбек тили атамаларини яратиш ва жорий этиш соҳасидаги ишлар ниҳоятда қониқарсиз ва суст бораётганини айтдилар. Матбуот, радио ва телевидениеда бу соҳада бошбошдоқлик ҳукм сураётгани, ўзбек тили булғанаётгани, бунга сира йўл қўйиб бўлмаслиги хусусида асосли эътирозлар билдирилди. Бу борада, айниқса, тилшунос олимлар ўртасида ҳамон ҳамжиҳатликнинг, фикрлар муштараклигининг йўқлиги ишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мажлисда атамашунослик қўмитаси зиммасига ўз ишида кескин бурилиш ясаш, ўзбек тилини ривожлантириш учун астойдил жон куйдирадиган олимларни ва бошқа мутахассисларни ўз атрофига тўплаш, атамаларнинг муқобилларини тезроқ халққа, оммавий ахборот воситаларига етказиш, бу ишдаги камчиликларни иложи борича зудлик билан бартараф этиш вазифаси юкланди.

Комиссия мажлисида Самарқанд вилояти ижроия қўмитасининг давлат тили ҳақидаги қонунни амалга оширишга доир ишлари, Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти негизида академиянинг мустақил тилшунослик институти ва адабиётшунослик институтини ташкил этишга доир ишлар хусусидаги ва бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Мажлисда Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Ў. Р. Умарбеков қатнашди.

(ЎзТАГ).

ЭРКИНЛИК МАСЪУЛИЯТ ДЕМАКДИР

СУРХОНДАРЕ ВИЛОЯТИ ФИРҚА ҚЎМИТАСИНИНГ БИРИНЧИ КОТИБИ Ҳ. БЕРДИЕВ БИЛАН МУСОҲАБА.

— Ҳурматли, Ҳаким Эшбоевич, бугун мустақиллик ҳақида кўп гапираяпмиз. Суҳбатимизни ҳамманинг фикри-зикрида бўлган мана шу гапдан бошласак. Сиз Ўзбекистон халқ депутатисиз, жумҳурият мустақиллиги вилоят мустақиллиги билан таъминланади, дегувчилар бор. Бу фикрга қандай қарайсиз!

— Жуда тўғри фикр. Бу ерда гап асосан иқтисодий мустақиллик ҳақида бораяпти, сиёсий мустақиллигимиз таъминланган. Аммо, иқтисодий қарамлик мавжуд экан, одам ўзини эркин ҳис этолмайди. Ушбу манзарани ота фарзандларининг маошини тийинигача йиғиб олиб, харажатга келганда инжиқлик ва айримчилик қиладиган оилага ўхшатса бўлади. Бундай оилада эса бир кун эмас, бир кун можаро чиқиши тайин. Ноҳияларда ишлаган йилларимда бундай оилавий можароларга кўп дуч келганман. Шунга ўхшаш социал ва иқтисодий ривожлантириш ички имкониятлари чегараланган, етиштирган маҳсулотига ўзининг ҳадди сиғмайдиган вилоятда ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилиши ҳам, аҳоли турмушининг фаровонлашуви ҳам оғирлашаверади.

Шу сабабли эркинлик хох у иқтисодиймми, сиёсийми қуйидан бошланмоғи керак. Эркинлик — ташаббускорлик ва фаоллик демакдир. Эркинлик — масъулият демакдир. Мана шу руҳ бўғиб қўйилган жумҳурият ҳеч қачон ўзини эркин санай олмайди.

— Эркинлик иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш учун сувдай, ҳаводай зарур. Лекин бундай эркинликни қўлга киритиш осонликча битмаса керак...

— Шундай. Аввалambор, маъмурий буйруқбозлик занжирини узиб, Давлат буюртмаси сиртмоғидан қутулмоқ керак. Ҳозирги пайтда бу занжир биз учун таҳқирона тузилган. Давлат буюртмаси ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 50 — 60 фоизидан ошмаслиги, қолган маҳсулотни эркин валютага сота олишимиз лозим.

— Бу гапларни ўқий туриб, муштарийларимизнинг кўнглини қуйидаги савол безовта қилиши табиий: шундай бир пайтда вилоятдаги аҳвол қай даражада!

— Юртнинг ойнаси — бозор, деган нақл бор. Бозорни, дўконларни тез-тез кузатиб бораман. Дўконларимизда уч навдаги ун, қанд, чой, совун хуллас, кундалик эҳтиёж учун зарур ҳамма нарса бор, эркин сотилмоқда. Корхоналар узлуксиз ишлаб турибди. Съезддан қайтибоқ бозорларни айландим, меванинг ўзидан ўн бир турини кўрдим. Килоси уч сўм бўлган мевани учратмадим, кўпининг килоси тийин ёки бир сўм. Помидор, бодринг сабзининг баҳоси ҳам тийин билан ўлчанади. Турмуш тарзимиз ёмонлашиб кетяпти, деган фикр ҳам вилоятимизга нисбатан олганда, тўғри эмас. Яқинда вилоят марказидан 110 километр узоқликдаги Шўрчи ноҳиясининг бир қишлоғида тўғри келган ҳовлига бурилдик: пешин пайти эди, 40—45 ёшлардаги аёл беш нафар фарзанди билан ўтирган экан. Дастурхон ёзилгунча атрофни кузатдим. Ҳовлида иккита тахта супа, ишкомга кўтарилган тўрт туп ток, бир неча мевали дарахтдан ҳовлига офтоб тушмайди. Дастурхонга чой билан бирга қатиқ айрони, ширинликлар қўйилди. Хона ичкарисига кирмасданоқ ҳовли эгасини қашшоқ одам, турмуш тарзи жуда паст деб бўлмайди. Фикримни халқимизнинг мол харид қилиш диди ўзгараётганлиги билан ҳам исботлашга ҳаракат қиламан. Жавон, тош ойна, стол, стуллар дўконларда асло туриб қолмайди. Демак, халқ маданий яшашга кўникаяпти. Вилоятимизда деҳқончилик маданияти анча юксалди. Эртаги карам, помидор, ёзги сабзи экиш, пилла боқиш каби қўшимча даромадлар бунга имкон бермоқда. Яна таъкидлайман, пахтанинг баҳоси оширилса, халқимизнинг турмуш тарзи янада юксалиши, шубҳасиз.

Бизнинг вазифамиз меҳнаткашларимизнинг ўз ер участкаларидан кўпроқ даромад олишларига, бозорни деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари билан тўкин қилишларига янада кенгроқ имконият ва шароит яратиб беришдир.

— Чорвачилик маҳсулотларини тилга олишингиз, пахтамизни қайта ишлаб, ундан олинаётган тўйимли озуқанинг четга жўнатилаётганлиги, ўтган йили биргина Сурхондарё вилоятининг ўзидан кунжаранинг 82 фоизи жумҳурият ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетилгани эсга солди...

— Тўғри, ҳали ҳам бизнинг тўйимли озуқаларимиз билан Латвия, Литванинг зотдор моллари озиқлантирилмоқда, семиртирилмоқда. Халқимиз эса Болтиқбўйи жумҳуриятлари истеъмол қилаётган гўштнинг ярмини ҳам емаяпти. Демоқчиманки, ўзимиздаги чорва молларини тўйимли озуқа билан етарли даражада таъминламай туриб, бозорни мўл-кўл чорвачилик маҳсулотлари билан тўлдириш мумкин эмас.

— Ўзбекистон Вазирлар Кенгашининг турли хил молларни жумҳурият ҳудудидан олиб чиқиб кетилишини тақиқлаш тўғрисидаги қарори чиққандан кейин вазият анча юмшаган бўлса керак!

— Мен юқорида бозорларимизнинг тўкин-сочинлигини айтдим. Бу ушбу қарор таъсирининг самарасидир. Шундан ҳам кўриниб турибдики, мазкур қарорнинг ўз вақтида қабул қилинганлиги бизга қўл келди, аҳолининг қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи қисман бўлса-да, қондирилди. Лекин маҳсулот эҳтиёждан ортиқча бўлса-чи? Албата, уни четга чиқариш фойдалидир. Биз шундай йўл тутдик. Марказий ноҳиялар, ўзаро ҳамкорлик қилаётган корхоналарга шартномага биноан ортиқча маҳсулотимизни, яъни 65 минг тонна сабзавот ва 3 минг тонна картошка етказиб бердик. Бу деҳқон ва унинг оиласи даромадига даромад қўшяпти.

— Дарвоқе, Ҳаким Эшбоевич, оиланинг бойлиги — давлат бойлиги. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, кичик-кичик корхона, фабрикалар қурган маъқул эмасми! Бундай чора-тадбир, шахснинг меҳнатга бўлган муносабатини ўзгартиради, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатли бўлишига ҳамда пештахталарнинг ана шундай маҳсулотлар билан тўлиб туришига ва яна, энг муҳими, кишининг давлат қўлига қараб қолмаслигига ёрдам беради, деб ўйлайман.

— Жамиятнинг илдизи бўлган оиланинг иқтисодий мустаҳкамлигини таъминлаш халқ фаровонлигини оширишнинг асосий йўлидир. Фирқамизнинг ҳозирги кундаги бош шиори халқ фаровонлигини яхшилашдан иборатдир. Кичик-кичик оилавий корхона, фабрикалар қурилиши жумҳуриятимизда нотекис қатламларнинг ҳаддан зиёд кучайиб кетишига сабаб бўлади. Биз оилалар имкониятини ёддан чиқармаслигимиз зарур. Бир оилада 5-6 киши уюшиб меҳнат қила олади. Бундай оила шубҳасиз, кичик корхоналарни ишлата олади, демак, ўша оиланинг даромади ортади. 2—3 киши меҳнат қилиб, 10—12 киши уларга қарам бўлган оилалар бизда озми? Демак, кичик оилаларнинг ўзидан каттароқ оилаларга тобе бўлишига тўғри келади. Шубҳасиз, етакчи оила иқтисодий фойданинг бошида туради. Бундан кўра, аҳоли зич жойлашган қишлоқларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, халқ истеъмоли молларини қайта ишлайдиган майда корхоналар қуриш анча яхши самаралар бериши аниқ. Биринчидан, етиштирилган маҳсулот харидорга тайёр ҳолда етказиб берилиши билан ишлаб чиқарувчига тушадиган фойда миқдори ортади. Иккинчидан, ўша олинаётган фойда кўпчиликники бўлади. Шу тариқа бир қисм одамларнинг иқтисодий турмуши анча яхшиланади.

Краснодар ўлкасида сабзини тўғраб, қуритишиб, савдо дўконларида сотишяпти. Уй бекалари маҳсулотни эҳтиёжларига яраша харид қилишмоқда.



2-бетга қаранг!

СУРЪАТНИ СУСАЙТИРМАЙ

«Узбекмебель» бирлашмасининг Тошкентдаги қоғоз фабрикаси саккиз ой якунларига кўра маҳсулот етказиб бериш ҳажмини тўла бажаришди, планданташқари 10 дан зиёд номдаги 300 минг сўмликдан кўпроқ халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди.

СССР Давлат хавфсизлиги қўмитасида

16 сентябрдан 17 сентябрга ўтар кечаси Тбилисида рухсат этилмаган митингдан сўнг жунбишга келган оломон Грузия Давлат хавфсизлиги қўмитаси биносига ҳужум қилди. 100 га яқин киши бинога бостириб кириб, металл таёқлар, темир қувурларнинг бўлаклари, темир парчалари билан ойналарни, мебелларни, телефон аппаратларини синдирдилар. Ҳужум қилувчиларнинг бир қисми терговбўлими хонасига кириб, бир қанча ҳужжатларни, видеоаппаратларни, ходимларнинг шахсий буюмларини ўғирлаб кетди.

Қўмита ходимларининг бинодаги кичик гуруҳи инсонпарварлик мулоҳазалари билан босқинчиларга қарши қуролни ишлатмади.

Ҳужум қилувчилар Грузия Давлат хавфсизлиги қўмитаси ўзини ўзи тарқатиб юборсин, Адиген ноҳия ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосарини ўлдиришда шубҳа қилиб ушланган бир киши озод қилинсин, деган талабни қўйдилар. Улар акс ҳолда янги бедодликлар, жумладан, ходимлардан жисмоний ўч олиш билан чўчитдилар. Бироз вақт ўтгандан сўнг босқинчилар бинодан чиқиб кетишди. Грузия Давлат хавфсизлиги қўмитаси теварагида кескин вазият сақланиб турибди.

СССР Давлат хавфсизлиги қўмитаси ҳайъати Грузия Давлат хавфсизлиги қўмитасига нисбатан ваҳшиёна ҳаракатлардан ғоят ғазабланганлигини билдиради ва қуйидагиларни айтишни зарур, деб ҳисоблайди.

Грузия Давлат хавфсизлиги қўмитаси биносига ҳужум — давлат хавфсизлиги органларига қарши ашаддий кампаниянинг экстремистик кўринишидир. Бу кампаниянинг Давлат хавфсизлиги қўмитасини қисқартириш, уни парчалаб юбориш ва ҳатто тугатиш мақсади Ғарбдаги айрим махсус хизмат маҳкамалари олиб бораётган тарғиботга объектив равишда қўшилиб кетмоқда, ғайриқонуний фаолиятни амалга оширишга чамаси Давлат хавфсизлиги қўмитаси халақит бераётган кучлар ана шу мақсадни афкор оммага зўр бериб тиқиштирмоқда. Давлат хавфсизлиги қўмитаси уюшган жиноятчиликка қарши кураш бошлаб, бу ишда дастлабки сезиларли натижаларга эришгандан кейин унга ҳуружлар кучайганлиги ҳам тасодифий эмас.

Давлат хавфсизлиги қўмитаси ўзини танқиддан ҳоли деб билмайди, демократик жамиятда танқид давлат тузилмалари ишини такомиллаштиришга кўмаклашади, деб ҳисоблайди. Бироқ демократиялаш ва ошкоралик ниқоби остида СССР Давлат хавфсизлиги қўмитасини обрўсизлантиришга уринишлар, энди эса ҳаракатлар умуман мамлакат хавфсизлиги системасига зарар етказади.

Жамоатчиликнинг айрим қисми учун хотиржамлик ва тотувлик характерли бўлишига қарамай, шуни айтиш керакки, объектив воқелик чет эллардаги махсус хизмат маҳкамаларининг мамлакатимизга қарши разведка ишлари кучайганлигидан далолат бермоқда. Совет Иттифоқи ўзининг жаҳондаги алоқаларини кенгайтирган сайин разведкалар бизнинг сиёсий ва иқтисодий сирларимизни билиш учун янги йўлларни қидирмоқда. Мамлакатда уюшган жиноятчилик кучайиб бормоқда. Иқтисодий соҳада оғир жиноятлар содир этилмоқда. Бинобарин, ўз-ўзидан хулоса келиб чиқади: бундай шароитда Давлат хавфсизлиги қўмитасига ҳужум қилаётганлар мамлакатда вазиятни барқарор этиш ишига хизмат қилаётганлари йўқ.

Давлат хавфсизлиги органларига қарши кампанияни авж олдириш учун 30-, 40-йилларда ва 50-йилларнинг бошларида ички ишлар халқ комиссарлиги — Давлат хавфсизлиги вазирлиги қонунийликни бузганлиги учун жавобгарликни бенхтиёр ҳозирги Давлат хавфсизлиги қўмитаси зиммасига юклашдан фойдаланилмоқда. Давлат хавфсизлиги органлари фаолиятидаги фожиали ўтмишга узил-кесил хотима берилган, унга қайтиш мумкин эмас. Бунинг кафолатларидан бири Сталин қатағони йилларида ҳалок бўлган йигирма мингдан ортиқ чекистнинг ҳаётидир.

Мамлакатдаги ишларнинг аҳволи тўғрисида бўяб кўрсатилмаган, чинакам ахборотга эга бўлган чекистлар жамиятимизда қатъий ўзгаришлар қилиш зарурлигини кўпгина бошқа одамлардан олдинроқ тушуниб етганликларини ҳамма ҳам билавермайди. Айни шу сабабли улар қайта қуриш, демократиялаш ва ошкоралик ғояларини самимий қабул қилдилар. Қайта қуриш биз учун барча йўналишларда, энг аввало разведкада, контрразведкада, чегараларни қўриқлашда, уюшган жиноятчиликка, контрабандага, қорадорифурушликка ва терроризмга қарши курашда иш самарадорлигини оширишдир. Бу совет конституцион тузумининг ишончли ҳимоясидир, Совет фуқароси ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдир. Бу қўмита барча бўлинмалари фаолиятининг қонуний асосларини мустаҳкамлашдир. Ҳуқуқий жамиятда Давлат хавфсизлиги қўмитаси органлари тўғрисида ошкора қонун бўлиши керак. Биз бундай қонун тезроқ қабул қилиниши учун ҳаракат қиляпмиз.

Совет чекистлари шунга аминдирларки, ана шу мураккаб вазифаларни ҳал этишда улар ҳамиша халқ билан бирга бўладилар, халқнинг фаол мададига таянадилар, бундай мададсиз Давлат хавфсизлиги қўмитасининг фаолияти муваффақиятли бўлмайди.

ЭРКИНЛИК МАСЪУЛИЯТ ДЕМАКДИР

(Боши 1-бетда).

Шундай цехни бизнинг шароитда қуриш қийинми? Ваҳоланки, бизда қиш ойларида сабзининг нархи жуда кўтарилиб кетади. Шароитимизда йил давомида сабзидан мўл ҳосил олишимиз мумкин. Тўғраб, истеъмолга тайёрланган сабзига Иттифоқимизнинг жуда кўп ноҳияларида эҳтиёж катта. Бошқа турдаги сабзавот, мева маҳсулотларини қайта ишлаш йўли билан ҳам аҳолининг иш билан таъминланишини яхшилаш, олинадиган даромадларни муттасил кўпайтиришимиз мумкин.

— Ижара усули-чи? У қандай самара беряпти?


— Бу усул ишчи кучлари кам бўлган жойларда яхши самаралар беради, аммо аҳоли тиғиз жойлашган бизнинг вилоятимизга ўхшаш ерларда талай қийинчиликлар келтириб чиқариши табиий. Аввало, имконияти чегараланган қўли калтароқ одамлар, иқтисодий инқирозга дуч келадиган бир гуруҳ ижарачилар пул топиш илинжида фарзандларини ўқишдан, маданий ва маънавий ривожланишдан қолдириб меҳнатга жалб этмоқдалар. Бу келажагимиз истиқболига салбий таъсир этиши аниқ. Бундай йўл тутиш билан вазиятни бироз юмшатиш мумкин холос, аммо муаммони ҳал қилиб бўлмайди. Айниқса, иттифоқдаги жумҳуриятлар ўртасидаги истеъмол нормаларида тафовут бўлар экан, шунга ўхшаш зарурий қадамлар қўйишга тўғри келаверади. Аслида эса айб жумҳуриятимизнинг ҳамма турдаги хом ашё базасига айланиб қолганлигида. Бунга биз ҳам, марказдагилар ҳам шу қадар кўникиб қолишганки, бундан бошқачароқ фикр билдирсанг ажабланишади. Шундай экан, босқичма-босқич, иложи борича, тезроқ хом ашёни қайта ишлаб, маҳсулот сифатида сотишга ўтишимиз зарур. Ҳозирча эса мавжуд ва етиштирилаётган хом ашёга эгалик қилишга эришишимиз керак. Аслида бундай фикр юритишимиз кулгили. Лекин қўлингда ушлаб турган нарсангнинг ўзингники эканлигини исботлаш учун ҳам курашишга тўғри келар экан.

— Вилоятдаги ёш оилаларнинг даромадлари талаб даражасидами ёки...?

— Ёш оилаларнинг асосан қишлоқ жойларида кўпайиб бораётганлигини ҳисобга олсак, паст. Оила даромади ҳақида гапирганда, хонадон соҳибларининг топган пулларини ўйламасдан давр талабаларини ҳисобга олиш керак. Айтайлик, ҳафтасига бир қозон қайнатиб, йилига бир тоифа кийим алмаштирадиган оила учун ҳозир топаётган даромади етарлидир. Аммо биз маданий турмуш, тўкин ва фаровон ҳаёт учун курашяпмиз, ахир. Шахсан мен ёш оилаларнинг даромадлари кўпайишини ва уларнинг эркин ривожланиб, қизғин ва ижодий яшашга етишишларини жуда хоҳлайман. Бунинг учун қўлимдан келган барча ишларни амалга оширишга ҳаракат қиламан.

— Сурхондарё — қадимий юрт. Шундай экан, унинг ўтмиши, тарихи тўғрисида тўхталмасдан бўлмайди. Тарихий обидаларни сақлаш ва уларни қайта таъмирлаш ишларига қандай эътибор берилаяпти?

— Сурхондарё тарихи ҳақида ўйлаш унинг бугунги куни учун масъулиятни янада оширади. Буюк ипак йўли ўтган вилоятимиз тарихий обидаларга бой. Ҳозирги пайтда 170 меъморчилик, 90 археологик, ва 100 га яқин тарихий ёдгорликлар мавжуд. Уларни таъмирлаш учун салмоқли харажатлар сарф қилинаяпти. Лекин бу билан иш битмаслиги аниқ. Энг муҳими дин пардасига ўраб ташланган ва тил муаммоси туфайли беркилиб қолган тарих қопқоқлари очилиб меҳнаткашларимиз бундай жойларнинг аҳамиятини қайтадан тушунгандай бўлишяпти.



Шу йил вилоят рўзномасида «Улуғбек Термизда бўлганми?» сарлавҳали мақола чоп этилди. Биласизми, буюк саркарда Темур, олам назмий мажлиси тождори Алишер Навоий ва бошқа улуғ кишиларнинг қадим Термизда бўлишлари ва бу ерда амалга оширган ишлари тарихчи олимларимиз учун битмас-туганмас хазина. Шаҳримиз яқинида Султон Саодат мақбараси бор. У Сойидларга тегишли бўлиб, ҳукмдор Амир Темур ҳар бир юриши олдидан фотиҳа олиб кетар эканлар. Улуғ ва мўътабар зотлардан яна бири VIII асрнинг биринчи ярмида туғилиб IX асрнинг бошларида вафот этган Абу Исо ат Термизийдир. Ёзма манбаларда таъкидланишича, Ат Термизий ҳозирги Шеробод давлат хўжалиги худудида туғилган. Ул зотнинг қабри ҳам шу ерда. Исо ат Термизий мақбараси ноёб меъморчилик ёдгорлиги сифатида рўйхатга олинган.

Шунингдек, Яқин ва Ўрта Осиё халқларида «Термиз ота» номи билан машҳур IX асрда яшаб ўтган буюк мутафаккир Абу Абдулоҳ ал-Ҳаким Термизий мақбараси вилоят маркази яқинида жойлашган. Мирзо Улуғбек каби буюк зотларнинг катта ҳурматига сазовор бўлган буюк алломанинг қабри шу пайтгача чегара симлари ортида қолган, халқ ҳурмати ва меҳридан тўсиб қўйилган эди. Шу йил март ойининг бошида чегара тўсиқлари суриб қўйилди, ёдгорлик халқ зиёратгоҳига айланди. Аллома ёдгорлигини таъмирлаш ва атрофини ободонлаштириш учун 700 минг сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилмоқда. Бу ерда меҳмонхона, дам олиш жойлари, хиёбонлар ташкил этилади.

Вилоятимиз худудида Ўрта Осиё халқлари эътиборига тушган Термиз ноҳиясидаги Султон Саодат мақбараси, Қирқ Қиз, Кокилдор Ота, Денов ноҳиясидаги Султон Санжар каби ўнлаб таъмирга муҳтож тарихий ёдгорликлар мавжуд. Тан олиш керак, уларни таъмирлаш, келажак авлодга асл ҳолида етказиш ишлари кўнгилдагидек эмас.

— Тожикистон алюмин заводининг атроф-муҳитга зарар етказаётгани ҳақидаги гап-сўзлар халқнинг меъдасига тегиб бўлди. Аҳолини ташвишдан халос этиш учун аниқ чора-тадбирлар белгилашнинг иложи борми ёки йўқми?

— Вилоят фирқа ва ижроия қўмиталари жумҳурият, бир қатор алоқадор ташкилотлар билан бирга бу соҳада оз бўлса-да, маълум ишларни амалга оширмоқдалар. Муаммони бартараф этиш учун тегишли вазирлик ва идораларга мурожаат қилинмоқда. Ўйлаймизки, бу масала ижобий ҳал этилади. Шуни алоҳида таъкидлаш кераккн, бу ўринда бир қатор муаммоларнинг ечими ўзимизга ҳам боғлиқ. Аҳоли соғлиғни муҳофаза этиш, санатория ва коммунал маиший хизмат крўсатишни тубдан яхшилаш, пахта ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларини етиштиришда минерал ўғитларни иложи борича камроқ ишлатиш, алмашлаб экишни кенг жорий эта билиш, иқтисодиётни соғломлаштириш йўлида тадбиркорлик кўрсатишимиз керак.

— Бу тўғрида чиқиш қилаётган қаламкашларнинг фикрларига қандай қарайсиз? Умуман, оммавий ахборот воситалари ижодкорлари билан алоқангиз қандай?

— Ҳаққоний ва холис ёзаётган журналистларни қўллабқувватлайман, улар билан фикрдошман. Лекин «Литературная газета»сининг махсус мухбири А. Кружилиннинг фикрларига асло қўшила олмайман. Чунки, Тожикистон алюмин заводи директори М. Синанининг оғзидан олиб ёзилган сатрлар ҳақиқатдан анча йироқдир. Оммавий ахборот воситалари ижодкорлари билан алоқани яхшилашни асосий вазифаларимдан бири деб биламан. Сабаби, фирқанинг етакчилик, жипслаштириш ролини мустаҳкамлаш, унинг оммага таъсирини кучайтириш вазифаси янгича қўйилаётган бир пайтда, оммавий ахборот воситалари энг муҳим ўрин тутади. Улар ҳозирги кунда қайта қуришнинг амалга оширувчи асосий сиёсий кучи бўлиб, жамиятдаги янгиланиш жараёнининг бош қуролидир. Вилоят журналистлари билан тез-тез учрашиб тураман, уларнинг саволларига жавоб бераман. Бундай мулоқотлар мен учун жуда фойдалидир.

— Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига анча бўлди. Аммо вилоятда қонунга амал қилиш жуда суст бораяпти. «Ҳали биз бунга тайёр эмасмиз» деган гап-сўзлар ҳам борлиги қулоққа чалинмоқда. Нима учун шундай бўлаяпти?

— Бу унчалик ҳам тўғри эмас. Чунки бизнинг муваффақиятларимизни сўз билан иш бирлиги таъминлайди. Ўзбек тили тўғрисидаги қонунда кўрсатилган тадбирлар босқичма-босқич амалга ошириляпти. Биринчи навбатда аҳолининг кўз ўнгидаги атамалар, номлар, ишлар ва кўрсатмалар ўзбекчалаштирилди. Маҳаллий бўлмаган ахолига ўзбек тилини ўргатиш қизғин кетаяпти. Асосийси бунга уларнинг ўзлари ҳам қизиқиб қолишган. Қолаверса, ҳамма ташкилотларда бу борада олиб борилаётган ишлар вақти-вақти билан, мунтазам назорат қилинмоқда. Ҳамма ишни аввал ўзингдан бошла дейишади. Агар ўзимиздан бошлайдиган бўлсак, вилоят фирқа қўмитаси ҳужжатларининг барчаси ўзбекча юритилмоқда. Май ойида бўлиб ўтган вилоят XXII фирқа конференцияси иши жумҳуриятимизда биринчи бўлиб ўзбек тилида олиб борилди.

— Вилоят комсомол-ёшларининг ишлари Сизни қониқтирадими?

— Вилоят комсомол ёшлари яхши ишларни амалга оширишаяпти. Асосийси ВЛКСМ съездида айтилган сўзлар ва баъзи жумҳурият ёшлари томонидан оғмачиликлар қилинаётганлигига қарамасдан вилоят комсомол ёшлари ўз позицияларида собит турганликлари мени қувонтиради.



Лекин улар ҳамон ўз имконияти даражасида ишлашмаяпти. Чунки ҳозир уларнинг айни ишлайдиган, ҳаётда ўз ўринларини топадиган пайти. Биз коммунистлар уларга барча имкониятларни яратиб қўйибмиз. Фақат ишлаш, ташаббус ва ташкилотчилик кўрсатиш керак. Бугунги амалий ишларни жонлантириш, кўпайтириш тўлиқ уларнинг зиммасида. Буни улар чуқур тушунишлари керак.

Босиб ўтган етмиш йиллик йўлимизга назар солсак, энг қийин муаммоларни комсомоллар ҳал этганлар, оғир участкаларни кўтаришда комсомолёшлар ташаббускорлик қилишган. Жумҳуриятимизда шўролар ҳокимиятини мустаҳкамлаш, саводсизликни тугатиш, пахта мустақиллигига эришишда комсомол-ёшларнинг ташаббускорлиги, фидойилиги муҳим роль ўйнаган. Ҳозир ёшларнинг ташаббускорлигига имкон йўқми? Бор. Пахтачиликда сувчиларнинг кўпи эллик ёшдан ошган кишилар. Аксари ёшлар сувчиликдан кўра газ суви сотиш, овоз ёзиш студияларида ишлашни афзал кўрадилар. Айниқса, чўпонлик касби ёшларимиз назарида жуда паст иш бўлиб ҳисобланади.



— Қайси муаммолар ёшларни кўпроқ ташвишга соляпти деб ўйлайсиз?

— Ёшлар олдидаги муаммоларни ўйлаганимда, иқтисодий аҳвол ва давр тақозосига кўра ёшлар турмуш тарзи издан чиқиб кетмаяптимикин деб ўйлаб қоламан. Ёшлар икки табақага бўлиниб қолаётганга ўхшайди .Баъзи фаол ёшлар меҳнатга берилишган. Нима бўлганда ҳам бирор натижага эришиш учун эртадан-кечгача ишлашяпти. Баъзи ёшлар эса ёлчитиб ишламасдан кайфу-сафо йўлини излаб қолишяпти. Менимча ҳар икки тоифа ёшлар ҳам маданий ҳордик чиқаришни ўргана олишмаяпти. Бунда қадим ўзбекона қадриятларимизнинг ,ўзаро ҳурмат, иззатикром, меҳмондўстликнинг сусайиб кетаётганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этяпти. Маданий ҳордиқни ичкиликбозлик ва ишратпарастликдан, истеъдодий санъаткорликни отарчиликдан, ўзаро гурунг ва фикр алмашувни беҳуда тортишувдан ажратиб олиш учун ёшларнинг етакчилари кўп ишлар қилмоқлари керак.

Кейинги пайтларда бўлаётган тўполонлар, хусусан Фарғона, Бўка, Паркент воқеаларининг келиб чиқишида асосан ёшларни айблашяпти. Лекин шу можароларни уюштираётган, ёшларни гиж-гижлаётган «акалар» ёки уларнинг «бошлари» ҳақида деярли ўйлаб кўрмаяпмиз.

— Рўзномамиз фаолияти тўғрисида нима дея оласиз?

— «Ёш ленинчи»нинг ўз йўли, йўналиши борлиги менга ёқади. Назаримда, рўзнома ойномаларга мўлжалланган тарихий, бадиий мақолаларни босишга берилиб кетаётганга ўхшайди. Атроф-муҳит муҳофазаси, инсон қадр-қиммати, аҳиллик, аждодлар мероси ҳақидаги мақолаларни кўпайтириш зарур.

Муваффақиятлар манбаи — ташаббускорлик, фидойилик, билим ва ғайратнинг уйғунлашувидан яралади. Ёшларга маслаҳатим — билимга меҳр қўйсинлар, тилагим — ёшлик жўшқинлиги, боболар ишига садоқат ҳамиша ёр бўлсин.

— Суҳбатингиз учун раҳмат!

Тўлқин ҲАЙИТ суҳбатлашди.

* * *

СУРАТЛАРДА: Сурхондарё вилояти фирқа қўмитасининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР халқ депутати Ҳаким Эшбоевич Бердиев сайловчилари ва оиласи даврасида.

И. ХЎЖАЕВ олган суратлар.

Комсомолда нима гап?

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

Бухоро вилоятининг Вобкент ноҳия комсомол қўмитаси йигит ва қизларнинг ҳуқуқий саводини оширишга фаол киришди. Ноҳия рўзномаси орқали анкета ёритилиб, у ёшларни қизиқтираётган масалалар доирасини аниқлаб олишга ёрдам берди. Ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар билан гаплашилди. Улар қўллабқувватлайдиган бўлишди.

Дастлабки машғулот шу йилнинг июнь ойида бўлиб ўтган эди. Унда оилавий пудрат ва ижарани жорий этиш масаласи атрофлича кўриб чиқилди. Ҳозирча ноҳияда бу янгилик жуда кенг ёйилган эмас. Бунга сабаб аҳоли меҳнат фаолияти ана шу икки шаклнинг ўзига хос жиҳатлари билан яхши таниш эмаслигида. Эндиликда иш юришиб кетишига ноҳия комсомол қўмитасининг ишончи комил.

Сентябрь ойи машғулоти бозор иқтисодиёти ва унга ўтиш йўллари тўғрисидаги ҳужжатлар билан танишиб чиқишга бағишланади.

АНЪАНА ДАВОМ ЭТАДИ

Уч қўшни — Хоразм, Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти ва Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти комсомол ва ёшларининг навбатдаги анъанавий учрашуви юқори савияда ўтди. Комсомол ташкилотларининг қардошлик байналмилал алоқалари йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораяпти.

СЪЕЗДЛАР ШАРАФИГА

Сурхондарё вилояти Бойсун ноҳиясидаги Хўжамбўлган қишлоғининг комсомоллари БЛКЁИ XX съезди ва Ўзбекистон ЛКЁИ XXIII съездини ўзига хос совға билан кутиб олишган эди. Улар катта майдонга 25 минг туп манзарали ва мевали ниҳол ўтқазишди. Ниҳоллар ўсиб, ажойиб кўрк бағишлади. Шу йилнинг ноябрь ойида ўтадиган жумҳурият комсомоли XXIV съездини дастлабки ҳосил нишоналарини олиш билан кутиб оладилар.

«ОБУНА-91»

МЕҲР-ШАФҚАТ ДЕГАНИ ШУ

...Севимли рўзномамизга обуна бошланиши билан Хива ноҳия комсомол қўмитасининг барча ходимлари биринчилардан бўлиб ёзилишди. Эътиборга лойиқ томони; ноҳия комсомол қўмитаси шу ерлик афғон урушида ҳалок бўлган ўн нафар жангчининг оилаларини ҳам «Ёш ленинчи»га махсус жамғарма ҳисобидан обуна қилишди.

Вилоят комсомол қўмитаси обуна жамғармаси ташкил этгандан хабарингиз бор. Бу жамғарма ҳисобидан обуна қилинганлар орасида комсомол ветеранлари, Афғонистонда байналмилал бурчини ўтаб қайтган жангчилар бор.

— Биз ҳам қараб турмадик, — дейди вилоят байналмилалчи ва заҳирадаги жангчилар кенгаши раиси С. Абдуллаев. — Афғон уруши жабрдийдалари бўлган йигитлар, ногиронлардан эллик нафарини ўз ҳисобимиздан севимли рўзномага обуна қилдик. Зеро, бугунги кун тўғрисида, афғон уруши қатнашчилари ҳаёти ҳақида — ошкора, дадил ёзаётган ҳам шу — «Ёш ленинчи»!

(Ўз мухбиримиз).

ТИНАЁТГАН ЛОЙҚА

Биз кўпинча дарё оққан томонга қараб сузаверамиз. Қайта қуриш борасидаям шундоқ. Фақат ишларимизнинг салбий томонларини очиб ташлашга интиляпмиз. Мактаб кўринг-чи, қайта қуриш деган янгича «чиройли сўз»га зид гапирган бўласиз.

КПССнинг XXVIII съездида кадрлар масаласи, бозор масаласи, армия масаласи, ишқилиб бир қанча «масалалар» кўриб ўтилди. Деҳқондан ёки ишчидан съезд ҳақидаги фикрини сўранг-чи, дарров қўл силтайди: «Умидим йўқ, ҳаётимиз баттар лойқалашиб кетаяпти!»

Менинг съезддан ярим умидим, ярим ноумидлигим бор. Зора яхши кунлар келса, дейман. Нонлар, озиқовқатлар қимматлашиб кетса, биз бечора талабаларга баттар қийин бўлиб кетади, дея ташвишга тушаман.

Эркин Воҳидов: «Қайта қуриш — курашдир», —дебди. Хўш, ноҳия қишлоқларида қайта қуриш, деганлари қандай бормоқда? Юқорида таъкидлаганимдек биз фақат қишлоқнинг, тупроқли кўчаларнинг чанглигини, маданий-маиший шароитлар йўқлигини... йўқ-йўқлар оқибатида қишлоқ қизлари ўзларига ўт қўяётганлигини «тижорат» қилишни урф қилиб олганмиз.

Менинг ёзмоқчи бўлганим Тўда қишлоғидаги ўзгаришлар ҳақида. Шунча пайтдан буён тўдаликларнинг экологиядан нолишганини, бирорта қизнинг ўзига ўт қўйганини эшитганим йўқ. Фақат билганим, ноҳияда танҳо бўлган «сариқ юқумли касалликлари» шифохонаси аҳоли яшайдиган майдоннинг ўртасида қўним топган... Тўда қишлоғининг ўзи ҳам Норин ноҳиясининг қоқ ўртасида жойлашган. Мана шу ажиб отли Тўдада яқин йилларда катта ўзгаришлар бўлди. Масалан, муҳташам отахонлар чойхонаси, қишки клуб қуриб битказилди. Шаҳардан келганимизда шу бир нарса камда, қишлоғимизда, дер эдик. Бу музқаймоқхона. Шукрки, ҳозир у ҳам бор..

Ҳозирча ёзги клуб йўқ. Оммавий-ахборот воситалари билан таъминлаб турувчи сотув дўкончаси йўқ. Калинин номли жамоа хўжалиги маъмурияти кейинги йилларда хўжалик иқтисодиётини мустаҳкамлаш, қишлоқларни ободонлаштириш, қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини ошириш борасида бир қанча тадбирларни изчил амалга ошираётир. Исбот — ҳозир хўжаликда клеёнка, тандир ва зиғир ёғи тайёрлаш цехлари ишлаб турибди. Хўжалик сўзнигоридан эълон қилишибди: тез кунларда пайпоқ тўқиш корхонаси ҳам ишга тушар экан..,

Хуллас Тўдага борсам дув-дув гап. Хўжаликда ёрдамчи тармоқлардан бири — консерва тайёрлаш цехи ишга тушибди. Менда ҳам янгиликлар билан танишиш истаги туғилди.

Ишчи Яйраҳон Аҳмедова бизларни цех билан таништира кетди:

— Мавсумга қараб, дастлаб қулупнай, олча, ҳозир ўрик, олмалардан ичимлик суви ва мурабболар тайёрлаяпмиз. 15 майдан бошлаганмиз. Шиша идишларни Фарғонанинг Қува ноҳиясидан, шакар, қопқоқларни Наманган шаҳридан келтиришади. Маҳсулотларни эса Мурманскка юборамиз.

Цехда ўн олти нафар комсомол-ёшлар ишни икки сменада олиб бормоқда. Сабаби меваларни тайёрлаш қозони битта экан.

Цех ишлаб чиқариш бошлиғи Козимжон Бойматов шундай сўзлайди:

— Цехимизни Учқўрғон ноҳиясидаги электр тармоқлари лабораторияси ширкатчилари қуриб беришди. Маблағни хўжалик маъмурияти ажратган. Йиллик планимиз: 600 минг дона... Асосий ишчи кучларимиз комсомол ёшлар. Мавлуда Тошпўлатова, Майрам Тоштемирова, Насиба Тешабоева, Баҳром Нажмиддинов каби ёшларимиз кунлик иш нормаларини 110 фойизга етказиб бажармоқдалар.

— Мевалар қаердан келтирилади?

— Корхонамиз аҳоли томорқа хўжалигида етиштирилган ортиқча ҳўл меваларни белгиланган нархда қабул қилаяпти. Ўзингизга маълум, қишлоқда ҳамманинг ҳовлисида мева дарахтлари бор. Бу ёғи тўкинчилик.

Ҳисоб-китобга қараганда бу ерда бир ойда 16 минг, бир йилда 100 минг дона турли компотлар тайёрлаш мумкин. Агар тайёрланган маҳсулотнинг бир донаси 1 сўм 20 тийиндан сотилганда йиллик даромад 120 минг сўмни ташкил қилади. Ишчиларнинг ўртача иш ҳақи 170—200 сўмданга тўғри келади. Амортизация ишларига ҳам чиқариб ташланса, ишчиларнинг ўртача маоши 140 сўмдан бўлади. Кейин планга, ишлаб чиқарилаётган ишнинг сифатига, бозор нархига қараб ойлик ошиб-камайиб бораверади.

Ҳа, қайта қуришнинг таъсирини Тўда мисолида кўрсак бўлади. Хўжалик раҳбарлари хайрли ишларга қўл урмоқдалар. Энди цехга омборхона ва маҳсулотни узоқ сақлаб туриш учун совутгичлар зарур. Ишчилар уйга қайтишдан олдин албатта, душ қабул қилишлари керак. Афсуски, душхона ҳам ҳали ишга тушмабди. Хўжалик маъмурлари бу ишларни амалга оширишда ҳам ташаббускорликни қўлдан бермасалар яхши бўларди.


Одина РАҲМОНОВА, ТошДД журналистика куллиётининг талабаси.

ЯНГИ ҚУРИЛМА

Ўзбекстон ССЖ Фанлар академияси «Қуёш физикаси» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг олимлари мева ва сабзавотларни қуритиш учун қуёш нуридан фойдаланишни таклиф қилдилар. Улар қуёш нурлари ёрдамида қоқи тайёрлайдиган тасмасимон қурилма ишлаб чиқдилар. Бу қурилма ичидаги ҳаво вақти-вақти билан алмаштириб турилади. Бундай усул қуритиш унумдорлигини тўрт баравар оширади.

ҚАЙТА ОЧИЛДИ

Фарғона политехника институтининг Қўқондаги уч йил муқаддам ёпиб қўйилган кечки умумий техника факультети яна очилди. Олти ўқув гуруҳининг ҳар бирига 25 нафардан талаба қабул қилиш режалаштирилмоқда. Бу гуруҳларда иқтисодчилар, ҳисобчилар, механик-муҳандислар ва технологлар тайёрланади. Келаси ўқув йилидан бошлаб факультетда кундузги бўлим очилади.



Давлат таъминоти Самарқанд тижорат марказида саноат моллари Бутуниттифоқ ярмаркаси очилди. Унда мамлакатимизнинг ўттизта шаҳридан 90 дан зиёд ташкилот ва корхоналар иштирок этмоқда.

Бу ердан хилма-хил истеъмол буюмлари, техникавий жиҳозлар, асбоб-ускуналар, бинокорлик материаллари, видео ҳамда радио қурилмалари ўрин олган. Ярмаркадан кўзда тутилган мақсад корхоналарга керакли молларни топишда ҳамда ўз маҳсулотларини сотишда кўмаклашишдан иборат.

Ҳозирча бу ерда 3 миллион сўмликдан зиёд маҳсулотга шартнома тузилди.

СУРАТДА: ярмаркада иш қизғин.

ЎзТАГ мухбири Р. ҒОФУРОВ олган сурат.

УНИВЕРСАЛ ҲИСОБЛАГИЧ

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг олимлари универсал ҳисоблагич яратдилар. Унинг ёрдамида жуда катта ўрамдаги газлама ёки қоғоз миқдорини бехато ва тез ҳисоблаб чиқиш, симларнинг ёки бошқа материалларнинг узунлигини аниқ билиш мумкин. Программалаштириладиган импульсли ҳисоблагич ип ўрайдиган машинани ғалтак тўлганидан кейин ўзи тўхтата олади. Янги қурилма ҳозирнинг ўзидаёқ Тошкент тўқимачилик комбинатида ишлатилмоқда.

БОЛАЛАР УЧУН

Андижон вилоятининг Ленинск шаҳридаги 280 ўринли янги болалар касалхонаси дастлабки беморларни қабул қилди. Шифохона турли касалликларни даволашга мўлжалланган. Уни «Андижаноблагропромстрой-1» трестининг жамоаси қуриб берди. Бу ерда кардиология, юқумли касалликлар, жарроҳлик, реанимация ва бошқа бўлимлар бор. Уларни жиҳозлаш учун иккита маҳаллий пахта заводи валюта ажратди.

Саёҳатнома

Эркин САМАНДАР, шоир.



Кўл тинмаса, ишласак кун-тун,
Саҳроларда барпо этсак гул.
Бир хорижга чиқиб не учун
Кўл калталик қилди, Жўрақул.
Елиб борар мерседес ана,
Елиб борар ҳув ана дулдул.
Пул деганн қолсин ардона,
Ақлу ҳушни олди, Жўрақул.
Не қилардик, расм-расамад,
Кўлни узун [illegible], йўқсул.
Йўқсулликни лекин билмас дард,
Кўзим оғриб қолди, Жўрақул.
Не кўрарсан оғриқ кўз билан,
Кўнглим, шеърга бўлакол машғул.
Дард, лек форир бўлмас сўз билан,
Дори олар бўлдин, Жўрақул.

АБДУЛЛАНИНГ АВТОБУСИ

БУТУН САФАР давомида автобус ҳайдовчиси Абдулла фақат бир марта инжилди. У ҳам бўлса йўлнинг ярим белида — Лакатиядан Ҳалабга бораётганда рўй берди. Тепаликка етганда автобус эгасининг измидан чиқди, юқорига кўтарилиш ўрнига орқага тисарила берди. Абдулланинг юзини тер босди. Машинасини аранг тўхтатиб, надомат билан бошини чайқади. Ушбу масофага ҳар гал етадиган ёқилғи бу сафар етмади, ё мотор уни кўпроқ еди. Хуллас, Ҳалабга бир соатлик йўл қолганида мойи тугади.

Абдулла йўловчи машинани тўхтатиб, сакраб кабинасига кирганча кўздан ғойиб бўлди. Ёқилғи ахтариб кетди. Энди у ҳақдаги ҳикояга қулоқ тутинг.

Отасидан Абдуллага бир сақи ер қолди. Бу унинг ризқ-насибаси эди. Отасининг одатини канда қилмади. Зайтун етиштирди, (Сурияда зайтун мойи кўп ишлаб чиқарилади) шу билан рўзғор тебратди, уйланиб бола-чақали бўлди. Фирмага ҳайдовчи бўлиб ёлланди. Кундузи автобус рулида, кечқурун далада тиним билмайди, аммо ҳаётидан нолимайди. Ҳамма нарса етарли. Шундай бўлса-да, эртанинг ғамида бош қотириб фирмага ёлланишдан воз кечишга, ўзи автобус сотиб олишга қарор қилди.

Зайтун ўрнига кунгабоқар етиштира бошлади. Дамашқда пистанинг бозори чаққон. У фақат ёшларнинг эрмаги эмас, катталар ҳам йўл-йўлакай писта чақишни канда қилишмайди. Хуллас, икки-уч йил ичида писта пуллаб, Абдулла ниятига етди. Автобус сотиб олди. Тўрт миллион лира. Арзонроқ ҳам бўлиши мумкин эди. Сотувчи билан пачакилашиб ўтирмади. Қолаверса, автобус беками-кўст — [illegible], ўзининг кўнглидагидай машина. Иккиланмай сотиб олди. Ана шундан кейин иши юришиб кетди.

— Ойига ўртача 70-72 минг лир ишлайман, унинг бир қисми ёқилғи, эҳтиёт қисмлар сарфига кетади. Қолгани чўнтакка тушади.

— Асосан қайси фирмада ишлайсиз?

— Қайси фирма кўпроқ тўласа, ўшанда. Ҳозирим, оилада тўққиз жонмиз, олти кишим бор, улар яхши кийиниши, бировлардан кам бўлмай яшаши менга боғлиқ. Лекин, худога шукр, [illegible]. Мана, сизларнинг гуруҳни ўн кун олиб юриш. Шундан ўзимга қоладиган соф фойда 12 минг лир.

Бунинг кўп-озлигини аниқлаш учун молларни бозор нархида чамалаб кўрамиз. Пойафзал — 100—120 лир, костюм 350-400, 500 лир, бир кило олма 15 лир, Аммо гўшт қиммат, килоси 150 лир. Аммо 10 кунда 12 минг лир ишлайдиган ҳайдовчига...

Абдулла аллақаердан бензин ортилган машинани бошлаб келди. Бир пасда автобусга жон кирди. Абдулланинг юзига кулги югурди. Одатдагидай магнитофон тугмачасини босди. Нафис, юракни [illegible] араб куйи янгради. Машина енгил силкиниб, тепага бир текис ўрмалаб чиқди-да, равон йўлда гўё қанот пайдо қилди. Тушунарли, Абдулла бой берилган вақтни қоплаш, меҳмонларни манзилга ўз вақтида етказиши керак.

Абдулланинг дадил хатти-ҳаракатини, автобусининг ҳамиша артилган шишадай ялтиллаб туришини кузатарканман, хаёлим юртимизга, ўз шаҳар ва қишлоқларимизга кетади, [illegible] ракдир, балки автобусларни ҳам узоқ муддатга ижарага бериш, маълум вақтдан кейин ҳайдовчининг ўзида қолдириш ёки арзон баҳода унга сотиш керакдир.

Шаҳарга етиб келгач, биз меҳмонхонага жойлашамиз дегунча Абдулла автобусини қантариб, ювиниб-тараниб олибди, эгнида анъанавий узун сорупо, жисмида на ҳорғинлик белгиси, юзида на эртанги узоқ йўл ташвиши, худди ҳозиргина тўйиб ухлаб олган кишидай бардам ва ўктам, армонсиз, ғамсиз, барча орзуларига етган одамдай бахтиёр ва мамнун. Бундай одамнинг аравасига тушиб, дунёнинг нариги бурчагига боришга ҳам рози бўлардим деймаи.

Ўрни келганда умуман сурияликларга хос кенг феъллилик, осойишталикни таъкидлаш жоиз. Уларга разм соламан. Таажжублик, диққинафасликдан асар йўқ, шошма-шошарлик, ҳовлиқиш, ҳаллослаш йўқ. Бемалоллик, биров-бировга лутф, самимий мулозамат, ҳурмат-эҳтиром. Йўқса, эллик километр нарида Ливан, ўқ овозлари эшитилиб турибди, мамлакат ҳарбий кучларининг бир қисми шу ёқда, можаро буткул ечим топмаяпти.

Шундай мураккабликларга қарамай, одамларнинг кайфияти хуш, руҳи тетик, имони бут, эътиқоди бутун, ўзига, ҳаётига, қилаётган ишининг тўғрилигига ишончи комил.

Биздаги қайта қуришнинг мақсади ҳам шу эмасми. Одамлар қалбини мудроқ босмасин, уларни ҳаётдан безд ирадиган, қўлини ишдан, меҳрини оиладан совутадиган иллатлар барҳам топсин, ўғилни отага, акани укага, дўстни дўстга терс қилиб қўядиган ҳар қандай шубҳа, ҳадик, ёвқурлик йўқолсин. Одам ўз уйига, ўз мулкига, ўз юртига хўжайин бўлсин. Шунда ҳаёт деган дарё равон оқади, жўшқин ва тошқин бўлади, шунда одамларнинг энг катта бойлиги — кўнгли равшан, умри чароғон бўлади.

Менинг хаёлларимни муаззиннинг овози бўлди. У мўминларга ибодат онлари яқинлашганини эслатмоқда эди. Дарвоқе, Абдулла кўринмай қолди. Балки автобусига ора бераётгандир, балки яқин масжид томон йўл олгандир. Бу унинг ўз иши.

Юқорига, қалъа тепасида, хароба ўрнида барқ уриб ўсиб турган ўша бир туп самбитга боқаман. Ана у, сокин шуълаларга чўмилган, хотири бир нуқтада жам бўлган файласуфдай ўйчан ва вазмин.

(Боши ўтган сонда. Давоми бор).

ИСТЕЪФОГА ЧИҚМОҚЧИ

ВАРШАВА. (СИТА мухбири Александр Потемкин). Польша жумҳурияти президенти В. Ярузельский жамиятдаги кераксиз эҳтиросларнинг олдини олиш, шунингдек, давлат фаолиятида демократияни ривожлантиришга интилишга асосланган ҳолда парламентга мурожаат этиб, унинг президентлик ваколати амал қилиш муддатини конституцион тартибда қисқартиришни илтимос қилди. В. Ярузельский Польша сеймининг маршали М. Козакевичга юборган хатида шу ҳақда айтилган.

Польша давлатининг бошлиғи парламентга мурожаат этиб, ялпи сайлов натижасида сайланган мамлакат президентига ўзи эгаллаб турган лавозимни топшириши мумкин бўлсин учун ўз ваколатларини тўхтатиш муддатини шу тариқа белгилаб беришни илтимос қилди.

ПАП агентлигининг хабар қилишича, хатга бўлажак сайлов масаласи юзасидан қонун чиқариш ташаббуси тўғрисидаги ҳужжат лойиҳаси илова қилинган.

Ҳарбий бюджет маъқулланди

АҚШ. (СИТА мухбири Андрей Федяшин). АҚШ конгрессининг вакиллар палатаси мамлакатда 1 октябрь куни бошланадиган 1991 молия йили учун мўлжалланган ўзининг мамлакат ҳарбий бюджети вариантини кўпчилик — 256 та овоз билан маъқуллади. Унга конгресс аъзоларининг 155 нафари қарши овоз берди. Қонун лойиҳасига мувофиқ Пентагонга 283 миллиард доллар ажратиш мўлжалланмоқда. Бу маъмурият сўраганига нисбатан 24 миллиард доллар кам демакдир. Худди шу нарса конгресс қуйи палатасини Оқ уй билан бевосита тўқнашишга олиб келади.

Қонун лойиҳасида маъмурият «самовий урушлар» дастурига сўраган маблағлар бир йўла 2,4 миллиард долларни кескин қисқартириб юборилади. Унда, шунингдек, «Б-2» деб аталган энг янги қирувчи тайёраларни ишлаб чиқаришни тўла тўхтатиш назарда тутилади. Бу авиация тарихида қачонлардир яратилган барча машиналардан ҳам жуда қиммат турадиган қирувчи тайёрадир. «Стелс» технологияси бўйича қурилган битта «Б-2» тайёрасининг нархи 869 миллион доллардир.

Конгресс қуйи палатаси қонун лойиҳасига АҚШ қуролли кучлари сонини 1991 молия йилида 129 минг 500 кишига қисқартириш тўғрисида тузатиш киритди. Бу ҳарбий ҳаражатлар тўғрисидаги қонун лойиҳасининг сенат вариантида таклиф этилганидан қарийб 30 минг нафар, шу йилнинг январида президент Буш таклиф этган қисқартиришлардан уч баравар кўп демакдир.

Пентагон бюжетининг илгари тасдиқланган сенат варианти билан вакиллар палатаси варианти ўртасида 6 миллиард доллар фарқ борлиги ҳисобга олинса, иккала қонун лойиҳаси эндиликда ўзаро мақбул вариантни ишлаб чиқиш учун конгресснинг келиштирувчи қўмитасида муҳокама қилиниши керак.

Бироқ президент Буш бюджетда вакиллар палатаси маъқуллаган қисқартиришлар сақланиб қоладиган бўлса, у бюджетни тўхтатиб қўяман, деб пўписа қилди.

ЎҚҚА ТУТДИ

ОСЛО. (СИТА мухбири Сергей Нешумов). Норвегиянинг ҳарбий кемалари соҳилдан 20 миля масофада номаълум сув ости кемасини ўққа тутди. Норвегия телеграф бюросининг хабарига қараганда, мамлакат ҳарбий денгиз кучларининг «Ставангер» кемаси Норвегия денгизининг соҳилига яқин жойда гидроакустик локатор ёрдамида «номаълум сув ости объекти»ни топди. Ҳарбий денгизчилар унинг сув ости кемаси эканлигини аниқладилар ва унинг сув юзасига сузиб чиқишини талаб қилиб, халқаро код орқали акустик сигнал бердилар. Жавоб бўлмагач, Норвегия ҳарбий денгиз кучлари қўмондонлиги сув ости кемасига ҳужум қилиш тўғрисида буйруқ берди. Норвегия ҳарбий кемаси сув ости кемасига қарши ишлатиладиган учта сув ости ракетасини отди. Ракеталар отилганидан кейин эҳтимол тутилган сув ости кемаси билан гидроакустик алоқа йўқолди.

Ҳозирги пайтда Норвегия кемалари ҳодиса рўй берган жойда қидирув ишларини олиб бормоқдалар. Норвегия қуролли кучлари олий қўмондонлигининг вакили «номаълум сув ости объекти» аниқлангани ва унга ракета отилгани тўғрисидаги фактни тасдиқлади. Ҳодиса рўй берган куни денгизнинг шу жойидан НАТОнинг ҳарбий денгиз кучлари машқларида қатнашаётган кемалар гуруҳи ўтганлиги маълум қилинади.

Хориждан хабарлар



«Шаҳризода». Сиз суратда кўриб турган ушбу уст-бошни ана шундай номлашди. Шарқ анъаналари услубида яратилган бу уст-бош нафис ва чиройлилиги билан кишини ўзига мафтун этади. Мазкур уст-бош Парижда ўтказилган замонавий кийим-кечаклар кўригида намойиш этилди.

АП — СИТА сурати.

ЗЎР БЕРИБ ВА НОМАЪЛУМ МУДДАТГА

Форс қўлтиғидаги воқеалар доираси тобора кенгайиб, Америка иқтисодиёти ва сиёсатининг янги-янги соҳаларини қамраб олмоқда. Автомобиль сотиш камайди. АҚШнинг «Дженерал моторс», «Крайслер», «Форд» каби йирик автокомпаниялари Яқин Шарқда бензин нархи ошиши билан боғлиқ инқироз биз оладиган фойдага таъсир этмайди, деб умид қилгандилар. Менеджерлар янглишишди: машина сўрови кескин тушиб кетди.

Келгуси йил бюджети тўғрисидаги баҳс янгича тус олди. «Совуқ уруш» поёнига етгани муносабати билан Пентагон харажатларини қисқартириш истиқболи режаси бўлиб қолаёзганди. Энди эса ҳарбий харажатларни жиддий қисқартиришга конгресс бош қўшмайди. Ҳар бири қарийб ярим миллиард доллар турадиган «Стелс» бомбардимончи тайёра программаси юзасидан яқин-яқингача қаттиқ тортишувлар бораётган эди. Кўпгина қонун чиқарувчиларни лойиҳанинг ҳаддан зиёд қимматга тушиши норози қилаётганди. Энди норозилар сони кескин камайди. Ҳарбий денгиз кучларини қисқартириш учун даъват этувчилар ҳам озайди. Натижада сенат Америка флоти куч-қудратини пасайтириш ниятидан воз кечди.

Яқин Шарқдаги мазкур акция қанчага тушиши ҳисоб-китоб қилинмоқда. Менга «Мудофаа маълумотлари маркази» деб аталмиш эркин Вашингтон ташкилотида айтишларича, Форс қўлтиғида 50 минг аскар, 270 кема, 80 тайёранинг туриши, бу АҚШ базаларида тургандагига нисбатан улар учун ойига 438 миллион доллар кўпроқ сарф-харажат қилиш демакдир. Америка аскарлари режалаштирилаётган 250 минг кишига етиб, жанговар ҳаракатлар бошлангач, харажатлар кунига бир милиард долларга етади.

Қурбонлар ҳам режалаштирилган. «Ҳатто дастлабки икки ҳафталик жанглардан кейин, — дейди ҳарбий экспертлардан бири Питер Уилсон, — бизлар минглаб ўлганлар ва ярадор бўлганлар тўғрисида гапиришимизга тўғри келади. Биз, америкаликлар эса бундай йўқотишларга руҳан тайёр эмасмиз». Операция қатнашчиларининг мутлоқ кўпчилиги суяги қотмаган сипоҳи ва аскарлардир. Эҳтимол, шунинг учун ҳам улар жазирама иссиқни асосий муаммо билиб, жанговар ҳаракатларни фақат тунлари, салқин тушгандагина олиб боришни мўлжаллашаётир. «Тундан бўлак бошқа пайтда ҳеч жанг қилмайман», — дейди Саудия Арабистонига келиб тушган 82-авиация бригадаси батальон командири подполковник Дон Уинсон. Ҳарбий ҳаракатлар бўлиши кутилаётган жойга жўнаб кетаётган қисмлардан бири офтоб уришига қарши лосьондан 20 минг шиша, оёқ терлашига қарши кукундан 5500 қути, ҳашаротларга қарши суюқликдан 2400 идиш буюртма берганини рўзномалар хабар қилганлар.

Бундай буюртмалар ҳали кўп тушса керак. Форс қўлтиғида америкалик жангчилар «ўн йиллар бўлмаса-да, йиллаб» қолиб кетишлари мумкинлиги тўғрисидаги гап-сўзлар тез-тез қулоққа чалинмоқда. Яқинда бўлиб ўтган матбуот конференциясида америкаликлар АҚШ қўшинининг Саудия Арабистонида бўлиши чўзилиб кетишига тайёр туришлари керакми, деган саволга Ж. Буш қуйидагича жавоб қилди: «Бу неча йилни тақозо этишини билмадиму, аммо биз қўшинларимизни улар ўз ишларини қилгунлари қадар узоқ муддат сақлаб туришимиз аниқ. Қанчага чўзилишини эса, айтолмайман. Айта олмайман». Бордию ҳозирги инқироз, — деб ёзади «Ньюсуик»—АҚШ фойдасига ҳал бўлган тақдирда ҳам Америка қўшинлари мазкур музофотдан чиқиб кетиб, кейин навбатдаги кескинлашувни кутиб ўтиришларини тасаввур этиш қийин. «Биз янги шон-шуҳрат йўлига кирдик», — деб хулоса қилади у.

Ҳа, америкаликлар, энг аввало устаси фаранг таҳлилчилардир. Ҳозир улар тубдан фарқ қилувчи янги миллий хавфсизлик концепциясини яратиш зарурати ҳақида фикр юритишяпти. Уларнинг фикрича, Совет Иттифоқи Америкага ортиқ ҳавф туғдирмайди. аксинча, АҚШ руслар билан барча соҳаларда, шу жумладан ҳарбий соҳада ҳамкорлик қилиши мумкин. Европада уруш бўлмайди, шунинг учун ҳам Америка М. Горбачевга ресурсларни ҳарбий соҳадан фуқаро соҳасига жалб этишга имкон бермоғи даркор. СССРдаги консерваторлар шўро раҳбарини «империалистларга ўзини оқламаган даражада ён беряпти» дея таъна қилмасликлари учун америкаликларнинг ўзлари ҳам стратегик қуролланишнинг янги авлодини яратишдан воз кечишлари керак. АҚШ бу билан юзлаб миллиард долларни тежайди, айни вақтда бу билан ўз хавфсизлигини мустаҳкамлайди.

Ақл — фаросат билан топилган бу долларлар қаерга сарфланади? Қуроллар яратишга, АҚШ «учинчи дунёда» олиб борадиган махсус белгиланган жангу-жадаллар учун сарфланади, деб ёзади Карнеги жамғармасидан Дженнон Уолкер. Эътиборга молик фикр. Ҳозир баҳс-мунозараларда иштирок этаётганларнинг кўпчилиги каби Уолкер ҳам Америка минтақавий зиддиятлардан, улар ўртасидаги қатор урушлардан ўзини олиб қочолмайди, деб қаттиқ ишонади. Қолаверса, ўзини олиб қочиши ҳам керак эмас. Ушбу зиддиятлар ва инқирозларнинг ҳар биридан «Американинг ҳаётий манфаатдорлиги»ни ҳимоя қилиш учун фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ҳаракатдаги қуролланиш программасини қайта кўриб чиқишга даъват боиси ҳам шунинг учундир. Яқин Шарқда зиддият бошлангандан кейин АҚШ вакиллар палатаси қуролли кучлар масалалари бўйича қўмита бошлиғи Лес Эспин шундай деди: «Дунё ўзгарди, биз эса ҳамон бу дунёда ҳаракат қилиш учун қандай қуроллар ва қандай тактикадан фойдаланишни муҳокама қилиб ётибмиз. Ироқ билан биз худди «совуқ уруш» давридагидек жанг қилмоғимиз керак». Сенатнинг қуролли кучлар масалалари бўйича қўмита бошлиғи Сэм Нан ҳам шундай фикрда. Уларнинг ҳар иккови СССР билан рақобатни минтақавий зиддиятлар асосига қуришни маъқул кўрмоқдалар. Ядро қуроли олиб юрадиган «Трайдент» сув ости кемаси ўрнига аскарларни ташиш учун транспорт кемаларини қуришни, қитъалараро ракеталар ўрнига кимёвий қуроллардан ҳимояланишни такомиллаштириш устида ишлашни таклиф этаётирлар. Умуман олганда, ҳарбий харажатлар миқдорида айтарли ўзгариш бўлмайди. Туғилаётган стратегиянинг бошқа белгиси — иттифоқчиларни янада қуроллантириш сиёсати ҳам янгилик эмас. У ҳозирданоқ амалга ошириляпти. АҚШ маъмурияти Оман, Баҳрайн, Бирлашган Араб Амирлиги, Марокаш, Туркия ва табиийки, Саудия Арабистонига жуда яқин орада Америка қуроллари етказиб берилишини эълон қилди. Бироқ бу ҳол Исроилнинг араб қўшниларига нисбатан қурол-яроғдаги устунлигига бир қадар путур етказиши тайин. Матбуотда ёзишларича, маълум фурсат ўтгач, Қўшма Штатлар яна Исроилнинг устунлигини таъминлайди. Аммо бу ҳаракатлар Яқин Шарқдаги аҳволни барқарорлаштиришга хизмат қилармикан?

Фақат сиртини ўзгартириб, ҳарбий сиёсатнинг бош вазифаси ва мақсадларини сақлаб қолиш ҳохиши «икки қутб» учун тинчлик давридагидан ҳам мураккаб бўлган янги муаммоларнинг юзага қалқиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. АҚШ учун Форс қўлтиғидаги зиддият СССР билан кўп йиллик қарама-қаршиликдан тубдан фарқ қилади. АҚШнинг бу юриши минтақадаги барқарорликни сақлашнинг бирламчи шарти, халқаро ҳуқуқлар олий принципларининг ифода этилиши, деб талқин қилинса-да, бу талқин ушбу принциплар қўлланаётган томонлар учун ҳам мақбул, деб бўлмайди. Вашингтон нефть ва унинг нархи устидан назоратни ўрнатиш, ундан кейин эса барқароликни сақлаш учун қайғураётгани энди ҳеч кимга сир бўлмай қолди.

Кўпгина соддадил араблар учун тажовузкор Саддам Ҳусайн Робин Гуд қиёфасида намоён бўлаётир, чунки у нефтдан келадиган даромадни адолатли тақсимлашни ўз зиммасига олаяпти. Ахир барча араб мамлакатлари бир хилда бадавлат эмас-да. Нефтга нарх қўйишда ҳукмронлик қилишни кўзлаётган америкаликлар эса, ўз «ҳаётий манфаатлари»ни ҳимоя этиш шиорини ўртага ташлаб, босқинчи деган тасаввур уйғотаётирлар. Фараз қилайлик, Саддам ушбу шиордан фойдаланганда нима бўларди? Ироқ қарийб барча озиқ-овқатни чет эллардан сотиб олади. 90 фоиз буғдой ва маккажўхори — хориждан, асосан Америкадан келтириладн. Худди шунга асосланиб, Американинг маккажўхори экиладиган ерларини Ироқнинг ҳаётий манфаатлари зонаси, деб эълон қилиш керак экан-да.

Вашингтоннинг ғарбдаги шериклари билан бўлган муносабати ҳам енгил кечмаяпти. Чунки улар Яқин Шарқдан келадиган нефтга Америкага қараганда кўпроқ тобедирлар. Шунинг учун ҳам уларнинг қамалдаги ҳарбий иштироки етарли даражада бўлмайди.

Хуллас, Яқин Шарқдаги инқирознинг томир отиб бораётгани яққол кўзга ташланиб турибди. Бунда ҳеч қандай қонуният йўқми? Ҳа, шундай қонуният бор — сиёсатчилар ва ҳарбий экспертларнинг бугунги баҳоси шундай далолат бермоқда. Гап шундаки, Вашингтон ушбу зиддиятга «совуқ уруш» тажрибалари билан тиш-тирноғигача қуролланиб, унинг қонун ва йўл-йўриқлари бўйича ҳаракат қилишда давом этмоқда. СССР билан бўладиган «катта» урушга тайёр туриш заруратидан ўзини халос бўлган, деб ҳисоблаб, АҚШ ўз зиммасига «дунё тартиби посбони» вазифасини олди. Олим Тед Карпентернинг таъкидлашига қараганда, Буш маъмуриятидан ҳеч кимса юзага келган инқироздан қутилишнинг бир-бир муқобил йўлини кўриб чиқишни лозим топмади. Вашингтон инқирозга шу қадар жадаллик билан шўнғиб кетдики, — деб ёзади у. — бамисоли «совуқ уруш» тамом бўлгандан кейин Американинг кенг миқёсдаги алоҳида ўрнини намойиш этиш учун имконият яратилганидан тақдирга шукроналар айтмоққа бошлади. Бундай пешқадамликни тасдиқлатиб олиш сиёсатдонларнинг, Американинг ҳарбий мамлакат сифатидаги ўта фаол ролини сақлаб қолишга интилаётган кишиларнинг манфаатларига мос келса ҳам ажаб эмас. Бу, шунингдек миллий хавфсизликни таъминлаш учун зарур бўлган 300 миллиард доллардан иборат ҳарбий бюджетни оқлаш учун хизмат қилиши ҳам мумкин».

Американинг минтақавий зиддиятлардаги стратегияси қандай бўлиши ҳақида Форс қўлтиғида авж олаётган зиддиятнинг натижасидан сўнггина хулоса чиқариш мумкин. Эҳтимолки, мазкур стратегияда Совет Иттифоқининг роли ҳам четлаб ўтилмас. Ҳар қандай вазиятда АҚШ СССР Америка учун «душман» бўлмай қолганидан фойдаланиб қолишга ҳаракат қилади. Ва ўшанда бизнинг хусусий манфаатларимизга, жаҳон ҳамжамияти манфаатларига нима мувофиқ келишию, нима зид келиши тўғрисидаги савол ҳар сафаргидагидек янгидан кўндаланг бўлаверади.

Эдгар ЧЕПОРОВ, (ИАН). Нью-Йорк.

Шўро болаларига ёрдам

ВАШИНГТОН. (СИТА мухбири Александр Королев). СССРдаги юз минглаб болаларга тўлақонли ҳаётга эга бўлишда ёрдам бериш керак — Шўро тинчлик жамғармаси билан бош суяги-юзи лат еган болаларга ёрдам берувчи Америка жамғармасининг биргаликдаги ташаббусидан кўзда тутилган олижаноб мақсад ана шундан иборат. Мазкур икки ташкилот номидаги тафовутларга қарамай, уларни ҳаётининг дастлабки дақиқаларидаёқ тақдир тақозоси билан «жирканч ўрдак боласи» қиёфасига тушиб қолганларга иккинчи ҳаётни бағишлашга интилиш муддаоси бирлаштириб туради.

Ҳозир тиббиёт илми майиб-мажруҳ болаларни азоб-уқубатлардан қутқаришга имконият яратади. Америкалик жарроҳлар туркум операция йўли билан боланинг нафақат инсон қиёфасини тиклайдилар, айни вақтда унга ота-онаси чизгиларини ҳам бахш этадилар.

«Қўшма Штатларда жарроҳлар аралашуви билан туғма мажруҳларни тузатиш борасида жуда катта ишлар қилинмоқда. Ҳар йили 450 мингтага яқин болага ёрдам берилмоқда, — деб таъкидлади СССР элчихонасида ўтказилган журналистлар билан учрашувда бош суяги-юзи лат еган болаларга ёрдам жамғармасининг президенти Мэрси Рожерс. — Бу ниҳоятда мураккаб ва оғир жараён. Баъзида керакли натижага эришиш учун 18—20 тагача операция қилиш зарур. Бинобарин, бундай операцияларнинг ҳар бири мамлакатимизда тахминан 45 минг доллар туради. Бунга ҳамманинг ҳам қурби етавермайди, жамғармамиз эса бу ўринда уларга катта ёрдам кўрсатади».

«Ушбу муаммо Совет Иттифоқида ҳам ниҳоятда кескин тус олган, — деб таъкидлади СИТА мухбири билан суҳбатда жамғарма фахрий президенти, америкалик машҳур хонанда ва актриса Шерр. — Шўро мутахассисларининг илтимосларига кўра улар билан шу соҳада тўпланган тажрибани ўртоқлашишга қарор қилдик. Ишлаб чиқилган режаларга биноан, СССРда бош суяги-юзи жароҳатланганларни даволайдиган 15 та марказ очилиши керак. Жамғармамиз Шўро мутахассисларини тайёрлашда, касалхоналарга зарур ускуналар беришда ҳам ёрдам кўрсатади».

Шу йилнинг бошларида америкалик жарроҳлар Москвада бўлишганди. Улар Америка Қўшма Штатларида операция қилинадиган бир неча болани танлаб олишганди. Лекин, яқин орада бу ишни Шўро мутахассислари бажарадилар. Мутахассислардан икки киши Америка Қўшма Штатларида иш ўрганиб, зарур кўникмаларни ҳосил қилмоқда.

Ранг-баранг олам

ҚОПҚОНЛАР МУЗЕЙИ

● ҒАРБИЙ Олмониянинг (Германия) Марктобердорфе шаҳрида дунёда яккаю-ягона бўлган сичқонқопқонлар музейи фаолият кўрсатмоқда.

Музейда кемирувчиларга қарши «қурол»нинг бир неча минг тури бор, яъни қадимий ёғоч қопқонлардан тортиб ҳозирги замон электрон қопқонларгача.

Лекин мутахассисларнинг фикрича, деб ёзади Булғориянинг «Орбита» ҳафталиги, бу жонзодлар билан кўп асрлик кураш ҳали-вери ўз якунини тополмаслиги аниқ.

300 КИШИДАН БИРИ

● БУТУНИТТИФОҚ соғлиқни сақлаш ташкилотининг бош директори Хироси Накадзима журналистларга қуйидаги ахборотни маълум қилди: ҳозирги кунда дунё бўйича 8—10 миллион киши СПИД вирусини ўзига юқтирган.

Бу деган сўз Ер юзидаги ҳар 300 кишидан бири «XX аср ўлати»га гирифтор бўлган.

ОЙИГА 4 МИЛЛИОН ДОЛЛАР

● АМЕРИКАНИНГ «Форбс» ойномаси даромади энг юқори бўлган кишиларнинг рўйхатини бу йил ҳам эълон қилди. Рўйхатдан 40 киши ўрин олган бўлиб, АҚШдаги «Косби шоу» кулги-томоша оммавий телепрограмма етакчиси Билл Косбининг исми-шарифи рўйхатнинг бошига тиркалган. Чунки у икки йил ичида 115 миллион доллар сармоя тўплаган.

53 ёшли бу қизиқчининг тайёрлаган программаси бирданига бир неча мамлакат телекомпанияларида намойиш этилади. Шунинг учун ҳам унинг бир ойлик даромади 4 миллион долларни ташкил этади.

Кейинги икки йил давомида биринчиликни забт этиб келган америкалик қўшиқчи Майкл Жексон бу йил иккинчи ўринга тушиб қолди.

БУНИ ОШҚОЗОН ДЕСА БЎЛАДИ

● ШВЕЙЦАРИЯНИНГ Давос шаҳрида ошқозоннинг чидамлилигини синаш учун одатдан ташқари конкурс ўтказилди. Конкурс шартига кўра, иштирокчилар ўн кишидан иборат ҳакамлар ҳайъати олдида ярим соат ичида кўплаб олхўрини (данаги билан) ютиши керак.

Буни қарангки, шундай оғир шартни бажарадиганлар ҳам бор экан. «Томдаги қоплон» ресторанидаги майхона соҳиби Хорст Теддер 30 минутда 189 та олхўрини ютиб юборишга муваффақ бўлди, деб хабар беради Олмония (Германия) Федератив жумҳуриятида чиқадиган «Вельт» рўзномаси.

Балиқчида «Ёш ленинчи» байрами

ҲАММА! ҲАММАГА!
Эшитмадим деманглар! Эшитганлар дўст-ёронга айтинглар: «ШУ ЙИЛ 29 СЕНТЯБРЬ КУНИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ БАЛИҚЧИ НОҲИЯСИДА «ЁШ ЛЕНИНЧИ» РЎЗНОМАСИ БАЙРАМИ БЎЛАДИ. Бу сафар ҳам ижодий жамоа ўз айёмини «Ўзбекистон физкультурачиси» рўзномаси билан ўтказади. Биз жумҳуриятимизнинг энг қизиқувчан ва талабчан муштарийлари ҳузурига боришга қарор қилдик. Чунки ўқувчиларнинг фикрини билмасдан туриб, рўзноманинг қандайлигини баҳолаш қийин.

Рўзнома жамоаси ва унинг атрофига тўпланган бир гуруҳ ихлосмандлари — таниқли шоир, олиму санъаткорлар, спортчилар, цирк артистлари бу айёмга қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Биз кеча ноҳия комсомол қўмитасининг биринчи котиби Матлуба Халилова билан телефон орқали гаплашдик. Комсомол етакчисининг айтишига қараганда, ноҳиянинг бир қатор хўжаликларида, мактаблари ва билим юртларида «Ёш ленинчи» ва «Ўзбекистон физкультурачиси» ходимлари билан учрашиш истагини билдиришибди. Биз уларнинг таклифларини бажонидил қабул қиламиз.

Шунингдек, дала шийпонларида, тушлик дам олиш соатларида заҳматкаш пахтакорларимиз билан мулоқот ўтказилади. Ижодкорларнинг ҳар бири камида 30 килограммдан дур териб оқ олтин хирмони юксалишига ҳисса қўшиш ниятидалар.

Балиқчилик футбол шинавандаларига айтадиган яна бир таклифимиз бор. **Рўзнома ҳузуридаги «Ижодкор» футбол командаси ноҳия рўзномаси ва комсомол ходимларидан иборат терма команда билан тўп суришга сўз берди. Беллашишга тайёрланаверинглар!** Командамиз аъзолари кейинги вақтда ижоддагина эмас, балки тўп суришда ҳам анча дадиллик кўрсатмоқдалар.

«Ёш ленинчи» ва «Ўзбекистон физкультурачиси» рўзномаларининг барча муштарийларини, санъаткорларни байрамга лутфан таклиф этамиз. Байрамда иштирок этиш истаги туғилган адиб ёки санъаткор таҳририятга қуйидаги телефон орқали маълум қилишлари керак: 33-95-97.

Балиқчи ноҳиясида «Ёш ленинчи» байрамини ўтказувчи ижодий жамоа.

Янги китоблар

Кўнгил изҳори

Ҳар куни «Ёш ленинчи»га унинг муштарийларидан юзлаб хат келади. Жумҳуриятимизнинг турли бурчакларида истиқомат қилаётган йигит ва қизлар дил сўзларини мактубга жойлашиб, рўзнома манзилгоҳига жўнатишади. Нимасини айтайлик, биз олаётган кўнгил изҳорининг ҳар бирида ўзига хос инсоний тақдир баён қилинган. Хатларнинг ранг-баранглиги ҳам уни ҳар хил касбдаги ва турли ёшдаги муштарийлар йўллашганидан далолат бериб турибди.

Ўз-ўзидан маълумки, муҳаррият олинган хатларнинг ҳар бирини назардан четда қолдирмасликка ҳаракат қилади. Шу боис «Ёш ленинчи»нинг хатлар бўлими ходимлари эртадан кечгача мактубларни кўздан кечириш, уларни соҳаларга ажратиш ва ҳар бир дил рози учун жон куйдиришгани жон куйдиришган. Кейинги вақтда рўзнома саҳифаларида муштарийлар мактублари бот-бот эълон қилинмоқда. Уларнинг шикоятлари асосида тайёрланган танқидий чиқишлар ҳар гал қизиқиш билан ўқилмоқда.

Хатлар орасида севги ва ахлоқ мавзуидаги мактублари, айниқса, диққатни тортади. Навқирон қалб эгаларининг кўпчилиги илк бор қўлга қалам олиб, рўзномага мурожаат этган ҳолда дилларида туғён ураётган бедорликни баён қилишади. Зеро, бу оламда ўн саккизга кирмаган, севги дардига мубтало бўлмаган қалб топилмаса керак. Худди шу даврда қалбдаги беғубор ҳислар ўзини кўпроқ намоён айлайди.

Яқинда «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Дилдаги гаплар» тўплами (муҳаррир С. Мирзааҳмедова, рассом Н. Ҳакимов) ҳам «Ёш ленинчи»га келган мактублар асосида тайёрланган. Унинг «Дилдаги гаплар» деб номланиши ҳам рамзий маънога эга. Чунки йигит ва қизлар ўзларининг қийин аҳволга солган муаммоларини кўп ҳолларда рўзнома орқали баён қилишни афзал, деб ҳисоблашади. Шу боис баъзилар нашрига мактуб йўллашиб, уларни боши берк кўчага киритиб қўйган масалаларда тенгдошлари билан ўртоқлашиш истагини билдиришган.

Тўпламдан ўрин олган мактуб муаллифларининг касби-кори ҳар хил. Улар орасида ўқувчилар, талабалар, ишчилар, ўқитувчилар, муҳандислар, қалам аҳли вакиллари бор. Уларни қоғозни қора қилишга турмушимизнинг турли жабҳаларида юз бераётган ўзгаришлар ундаган. Шу боис муштарий қалбидаги безовталик китоб саҳифаларига кўчган. Ҳар бир йигит-қиз ўзини ташвишга солган муаммога баҳо бериб, уни ҳал этиш борасида тенгдошларининг маслаҳатига муҳтож эканлигини англатади.

Муштарийлар мактуби сараланиб, уч қисмга бўлинган. «Бахтиёрликнинг машаққатли йўли» деб номланган бўлимда ҳаётий машаққатлар гирдобига тушиб қолган ёшларнинг изтироблари баён этилади. Турмушнинг бир-бирига ўхшамас сўқмоқлари [illegible] синовларга дучор қилган. Зеро, бу синовларнинг [illegible] Мақсад — шу сўқмоқлардан чиқиш йўлларини биргаликда излашдан иборат. «Синиқ кўнгил» деб номланган қисм йигит ва қизнинг ўзаро муносабатларига бағишланган. Йигит ва қизнинг бир-бирига бўлган оилавий муносабати ҳар гал осон кўчмайди. Шу боис қанчадан-қанча ёш оилалар инқирозга учраб, гўдаклар ноласи оламни тутмоқда. Болалар уйлари кун сайин тўлиб бораётир. Шу маънода хат муаллифлари ўз тенгдошларини ақл билан иш тутишга, бургага аччиқ қилиб, кўрпага ўт қўймасликни маслаҳат беришади.

Тўпламнинг сўнгги қисми «Муҳаббат — ўйинчоқ эмас» деб номланишидан ҳам кўриниб турибдики, кўпчилик орзу қилганидек бировни севиш, унга кўнгил қўйиш шунчалик осон юмуш эмас. Икки қалбнинг талпиниши, бир-бирига меҳр қўйиши анча мураккаб ҳолат. Айримлар ана шу қалб туйғусини ўз вақтида бошқара олмай беш кунлик дунёда ўйнаб қолай қабилида иш тутишади ва шу ҳол билан беозор қалбларга озор беришади.

Китобдан ўрин олган хат муаллифлари бировга ақл ўргатиш, бошларидан ўтган воқеаларни ҳикоя қилиб, кўнгилни ранжитиш фикрида эмаслар. Улар тақдир синовларига бардошли бўлишга, айрим тенгдошларимиз каби оғирликнинг устидан, енгилликнинг остидан ўтишдек бўлмағур ақидага амал қилмасликка чақиришади.

«Дилдаги гаплар» тўплами кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, 20 минг нусхада рангли муқовада чоп этилган.

И. УСМОНОВ.

«КАМАЛАК»

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

Ёшлар ижоди

Шоҳ Машраб нидоси

Ломакон розими — энг одил ҳакам,
Бутун вужудимда таскин мужассам,
Мана бошим тайёр, дорга оссанг ҳам,
Ўткинчи роботнинг жафоси бир пул.
Амал ва манманлик этагин тутган,
Имонни, виждонни буткул унутган,
Подшоҳнинг номидан фармонлар битган,
Таъмагир қозининг фатвоси бир пул.
Кўзинг оч оломон — Ҳазрати Инсон,
Мен сенинг бағрингдан отилган Исён,
Баски кетаяпман, эй чоҳи армон,
Мунофиқ дўстларнинг оҳ-воҳи бир пул.

Ўзим

Во дариғо армон билан умрим кечди,
Нафсим мени туғён қилди ҳолдин ошти,
Жоним қуши парвоз қилса, руҳим қочти,
Ғофил юрган умрин 'елга сотар, дўстлар.
Аҳмад ЯССАВИЙ.

Ажаб ҳамма урён
кўрдим,
Ишқ аҳлини гирён
кўрдим,
Инсон эмас шайтон
кўрдим,
Аввалида ҳайрон ўзим.
Мудом ўзим шод
айладим,
Ботил хаёл ёд айладим,
Ҳар хил йўлда хўб
қайнадим,

Журм ишларда султон
ўзим.
Билган ишим риё
қилдим,
Амал ичра расво бўлдим,
Муҳаббатни сазо қилдим,
Умид тўла вайрон ўзим.
Чун кўзларим бедор
эмас,
Кўнгил анча дилдор
эмас,
Зоди-роҳим тайёр эмас,
Ҳақ олдида афғон ўзим.

Нафратнинг исми

Сотқинларга ўрин бўш
Ҳатто милтиқнинг
Ўқдонида ҳам.
* * *
Бу юртда аёллар
Сабр туғади.

* * *
Баҳорини бой берган
юртни
Тавоф қилмас
Қалдирғоч.
Жамолиддин МУСЛИМ.

Яхшидир ёр

Менга ошно ўшал кўзлар
Унга раво ширин сўзлар
Бу гулсанам кимни кўзлар
Яхшидир у, ёмон менман.
Кун азоблар, тун азоблар
Қалбим мунгли созни
созлар,
Ишқимда қиш йўқдир
ёзлар
Яхшидир у, ёмон менман
Гадоси ман ширин сўзин

Тўтиёдир кўзга изи —
Жонлар асир тикса кўзин
Яхшидир у, ёмон менман.
Кулмаса ҳам бахт гар
менга
Тоҳир ишқи тахтдир
менга
Жафо ила аҳдлар менга
Яхшидир у, ёмон менман.

Илҳом КАРОМОВ.



Ўзбекистон мусиқа жамияти ва Тошкент — Сиэтл биродарлашган шаҳарлар қўмитаси таклифи билан жумҳуриятимиз пойтахтига Сиэтл шаҳрининг «Куйловчи юрак» ҳаваскор хор жамоаси ташриф буюрди.

Америкалик меҳмонлар жумҳурият болалар бадиий марказида бўлиб ўтган «Тинчлик соати»да ўз концерт программалари билан қатнашдилар ва ёш рассомларнинг асарлари билан танишдилар.

СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев америкалик меҳмонларни маҳаллий рассомлар ижоди билан таништирмоқда. «Куйловчи юрак» ҳаваскор хори саҳнада.

Сураткаш: Ф. ҚУРБОНБОЕВ. (ЎзТАГ).



«АРИРАН» — КОРЕЙС ОПЕРАСИ

«Ариран» операсида XIX аср охирларида денгиз бўйига кўчиб келган корейслар босиб ўтган оғир йўл ҳақида ҳикоя қилинади. Бу операни Сеулдаги «Ми-чу» театри Тошкентда томошабинларга кўрсатди.

Бу корейс театрининг Ўзбекистон пойтахтидаги биринчи чиқиши ва жумҳуриятимиз томошабинларини Жанубий Корея опера санъати билан илк бор таништиришидир. Мазкур саҳна асари анъанавий корейс драма, мусиқа ва қўшиқчилик театрининг ўзига хос жиҳатларини уйғунлаштирган «Чхян-гик» жанрида қўйилган. Томошабинларга мурожаат қилган режиссёр Сон Жин Чэк ушбу спектакль корейс халқи тарихининг муҳим бир қатламини томошабинларга кўрсатиш йўлидаги уринишдир, холос.

Биз спектаклдан жуда катта таассурот олдик, — дейди совет корейслари Тошкент маданият жамияти бошқарувининг аъзоси Валентина Минехеевна Чо. — Миллатимиз тарихининг манбалари билан ошно бўлишнинг ўзи, шубҳасиз, қалбларни тўлқинлантиради. Айниқса, Совет Иттифоқидаги корейсларнинг тақдири, уларнинг Сталин қатағони давридаги фожиали қисмати мавзуси тилга олинганида буни яққол ҳис этасан, киши. Ҳа, бошимизга кўп ёмон қисматлар тушди ва биз энди бундай воқеалар такрорланмаслигига ишонамиз.

ЯНА ХИТОЙ САНЪАТИ

Ёғочга ўзига хос услубда сайқал берадиган Хитой ўймакорларининг асарлари бутун дунёга донг таратган. Давр ўтиши билан уларнинг кўпгина асарлари сақланиб, бизгача етиб келган. Уларнинг баъзилари Ўзбекистон Давлат санъат музейида очилган кўргазмага қўйилган. Будда афсоналари асосида яратилган ажойиб буюмлар, нақш солинган сандиқ ва хонтахталар ана шу кўргазмадан ўрин олган бўлиб, уларга денгиз тўлқинларининг қабариқ тасвири туширилган, нилуфар гуллари билан безатилган. Буюк князь Н. К. Романовнинг Тошкент саройидаги хобхонасини қачонлардир безаган хилма-хил ёғочдан ишланган кароватга фил суяклари кўзни қамаштирадиган даражада моҳирлик билан қадалган. Бундай ғаройиб буюм муаллифининг номи ҳалигача номаълум, лекин ашёнинг баъзи қисмлари, ёнғоқ чақаётган олмахон тасвирига қараганда, мутахассисларнинг тахминларига кўра, у кедр ўрмонлари жойлашган мачжуриялик бўлса керак.

Бу йил Тошкент музейи Хитойга бағишланган бутун бир туркум кўргазмаларни ташкил этди. Бадиий анъаналарга бой мамлакатнинг тасвирий ва амалий манзарали санъатининг турли мактаблари хусусида тўлароқ тасаввур пайдо қилиш ана шу кўргазмаларни ўтказишдан кўзда тутилган мақсаддир. XVI-XIX асрлар Хитой чиннниси, фил суягидан ясалган буюмларнинг кўргазмалари катта муваффақият қозонди.

АҚЛ ТОП

(Ҳажвия)

Ёзнинг ланж қиладиган иссиқ кунлари. Кўчаларда одам сийрак. Лоҳас бўлиб кетаётсам, қаршимдан келаётган бир киши чўнтагидан сигарета олаётиб бир даста пулини тушириб юборди. Буни ўзи сезмади. Индамай ўтиб кетди. Ҳей, деб гапирмоқчи эдим ҳамки, орқамдан келаётган бир йигит чаққонлик қилиб уни шартта чўнтагига тиқди ва менга оҳиста сўз қотди:

— Индаманг... Бўлашиб оламиз.

Мен ортимга қарадим. Пул туширган кимса ҳеч нарсадан хабари йўқ йўлида давом этарди.

— Юринг, мана бу муюлишга ўтайлик, — деди чаққон йигит. — У ерда одам кам.

Кўнглимнинг қаеридадир шайтон тўполон қилди. Мен текин «соққа» қўлга киришидан мамнун бўлиб унинг кетидан эргашдим.

Бироқ биз муюлишга энди бурилган ҳам эдик-ки, хавотир олаётган ҳодиса юз берди. Пулини йўқотган кимса орқамиздан етиб келди.

— Йигитлар, — деди у ҳаяжон билан. — Сизлар пул топиб олмадингизми?!

Шеригим дарҳол рад жавобини берди.

— Йў-ўқ.

Унинг ҳатто киприклари ҳам пирилламади.

— Мен ҳеч нарса топганим йўқ! — дадил жавоб қилдим ўзим ҳам, чунки ҳақиқатан ҳам шундай-да. Виждоним пок. Манави йигит сўзлашаверсин.

— Биласизларми! — қаттиқроқ ҳаяжонга тушди кимса. — Тўрт юз эллик сўм эди. Қарзимни тўламоқчи бўлиб кетаётувдим. Ярим йилда зўрға йиққандим.

— Йўқ, йўқ, биз ҳеч нарса кўрмадик, — жавоб қилди яна шеригим.

— Бир хотин менга сизларни кўрсатди. У ахир ўзидан-ўзи алдамайди-ку! Чўнтакларингизда нима борлигини билсам бўладими? Мен ўз пулимни танийман.

— Мана, марҳамат! — шеригим бошқа чўнтагидан бошқа бир даста «соққа» чиқарди-да, ҳаяжонланаётган кишининг қўлига топширди.

У пулни текшириб, қайтариб берди.

— Йўқ, бу пуллар меники эмас. Энди сизникини кўрсам? — менга юзланди у.

Мен шеригимнинг дадилгина каттагина пулини топшириб, яна қайтариб олганини кўрдим-да, дарҳол ҳамёнимни чиқардим. Унинг оғзини очиб, ичидаги мунғайиб турган бир нечта пул билетларини намойиш қилдим.

— Беринг, беринг, кўрсин! — ўртага қўшилди шеригим.

— Ҳа, ҳа. Ҳамёнингизнинг ички томонларига ҳам назар ташлай. Ҳамёнимнинг ичидаги пул камлиги учун уни индамай топширдим. Пул йўқотган кимса ҳамёнимни у ёқ-бу ёғини текширди-да, яна беркитиб ўзимга қайтарди.

— Ҳа, кечирасиз. Йўқ экан, — маъюсланди у. — Энди нима қилдим. Бугун охирги муддат эди...

Шу пайт кутилмаган ҳол юз берди. Шеригим топиб олинган пулни шартта чиқарди-да, унинг қўлига тутди.

— Майли. Мана ола қолинг. Ҳазиллашувдик. Бошқа йўқотманг, — деди у.

Мен ҳайрон бўлиб қолдим. Бироқ, ачинмадим.

Бояги киши эса, раҳмат айтиш ўрнига жаҳл билан гапирди.

— Виждонсизлар! Бўлишиб олмоқчимидиларинг!

У шу сўзларни айтди-да, катта қадамлар билан йўлига равона бўлди. Шеригим унга юзланди:

— Нега хафа бўляпсиз? Пулингизни бердик-ку!

Бироқ, у ортига қарамади ҳам. Шунда йигит унинг изидан чопиб кетди.

— Тўхтанг, тўхтанг деяпман, — қичқирарди у.

Бир ўзим қолдим. «Аҳмоқ!» — ўйладим мен йўлимга равона бўларканман. — Шунча «соққа»ни қайтариб берди-я! Ҳозирги иқтисодий тушкунлик пайтида виждонга бало борми? «Ҳамма нарса палон пул!» Бир қанча дақиқа ўтгач, яна ўзимга савол бердим: «Тўхта! У киши пулни бўлишиб олишимизни қаердан билди? Пул йўқотиб, кейин топиб олган инсон ўзини бундай тутмайди-ку!» Шу ҳақда ўйладим-да, ҳамёнимни қўлимга олиб очдим. Во ажаб! У бўм-бўш эди. Роса боплашибди-ку! Чув тушганимни қаранг-а!..

Ана шунақа гап. Ғойибдан муллажирнинг топишни орзу қилманг. Бир балоси бўлмаса, шудгорда қуйруқ на қилур, дейишган машойиҳлар. Улар яна айтишганки, пул топгунча ақл топ. Бироқ, ақлнинг ҳам кўчада ётмаслиги эсингиздан чиқмасин...

Озод МЎМИН.

ТВ

23 СЕНТЯБРЬ — ЯКШАНБА

● ЎзТВ I

10.00 «Ҳафтанома». Ахборот-мусиқий кўрсатув (такрор.).

* * *

11.00 «Компьютер сабоқлари». 11.30 Экранда — кинокомедия. «Мимино». 13.10 Болалар учун театр. «Сирли сандиқ». Йўлдош Охунбобоев номидаги жумҳурият Ёш томошабинлар театрининг спектакли (такрор.). 14.15 Ёш ижрочилар концерти. 15.00 «Алифбо сабоқлари» (такрор.).

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Кузбасс» (Кемерово). «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Мультипанорама». 20.30 Москва. «Вақт». 21.10 «Қўқон». Ҳужжатли фильм. 21.30 «Ахборот». 21.50 Телефильм. 22.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!». Бадиий-мусиқий кўрсатув. 23.55 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● МТ I

7.30 Спорт ҳамма учун. 7.45 Ритмик гимнастика. 8.15 «Спортлото» тиражи. 8.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув. 9.30 «Ватан хизматида». 10.30 Тонгги дам олиш программаси. 11.00 «Саёҳатчилар клуби». 12.00 «Здоровье». 12.45 «Мусиқий киоск». 13.15 «Бейсбол, жирафалар, рус кантрлари ва ҳоказолар». 1-кўрсатув. 14.15 «Верўшок». Мультфильм. 14.35 «Қайтиш». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Рус — Япон муносабатлари тарихи ҳақида. 15.35 «Қишлоқ янгиликлари. Панорама. 16.50 «Давр архивлари». Телевизион илмий-оммабоп фильм премьераси. 6-серия — «Афсунгарлик». 7-серия — «Ҳаёт байрамининг улкан тартибсизликлари». 17.50 «Марафон-15». 19.20 «Канизак Изаура». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 10-серия. 20.30. «Вақт». 21.10 «Оддий ва мангулик ҳақида». 21.25 «А» программаси. 22.55 «Виктор Цойнинг сўнгги концерти».

● МТ II

7.30 Зарядкага сафланинг! 7.50 «Куйловчи дала». Жумҳурият фольклор байрами. Киевдан кўрсатилади. 9.00 «Сибирнинг мовий кўзи». Телевизион ҳужжатли фильм. 9.55 Дм. Берлинский концерти (скрипка). 11.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 12.00 «Иоахим Лис — дипломли изқувар». Болалар учун телеспектакль премьераси. И. Фьель эртаклари мотивлари асосида. 13.35 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. «Елецга қайтиш». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Саратов).

14.00 УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ВИДЕОКАНАЛИ

16.30 «Планета». Халқаро программа. 17.30 «Иллюзион». «Москва бўйлаб». Бадиий фильм («Мосфильм»). 19.20 «Зардўзлик». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Бананли пирог». Мультфильм. 2-қисм. 19.45 Коллаж. 19.50 «Келинг, куйлаймиз...» Рига православ кафедрал соборининг митрополит хори ижро этади. Ригадан кўрсатилади. 20.30 «Вақт» (сурдо таржимаси билан). 21.00 Футбол. СССР чемпионати. МАСК — «Торпедо». 2-тайм. В. И. Ленин номидаги Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. 21.50 РСФСР Олий Совети сессиясининг кундалиги. 22.50 Теннис. Дэвис кубоги. СССР — Испания терма командалари.

ТВ

Муҳаррир ўринбосари Фарруҳ РАҲИМОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Д. — 23580.